БЕШЙИЛЛИК ЗАРБДОР МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 28 (6146).

9 ФЕВРАЛЬ ПАЙШАНБА

1978 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

КАЛИНИН РАЙОНИ САБЗАВОТЧИЛАРИ АНЖУМАНИ

Яқинда Калинин райони сабзавоткорларининг курултойи бўлиб ўтди.

Курултойда район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Р. Қамбаров** юбилей йили якунлари ва зарбдор йил вазифалари ҳақида доклад қилди.

Сабзавоткорлар ўтган юбилей йилини катта кўрсаткичлар билан якунладилар. Социалистик мусобақани кенг авж олдирган боғбонлар, сабзавоткорлар ва чорвадорлар меҳсулот етиштиришни анча кўпайтирдилар. Айниқса, сабзавоткорларнинг ишлари мақтовга сазовордир. Район бўйича ҳар гектар ердан 253 центнердан сабзавот, 126 центнердан картошка етиштирилди. Бир йилнинг ўзида сабзавотдан олинган ҳосилдорлик 30 центнерданга кўпайди. Картошканинг ҳар гектаридан топширилган ҳосил 13 центнерданга ортди. Район сабзавоткорлари Тошкент шаҳри меҳнаткашларига ва мамлакатимизнинг саноат шаҳарлари аҳолисига 101 минг тонна сабзавот, 9 минг тонна картошка, 3600 тонна полиз экинлари маҳсулоти жўнатдилар. 4 минг тоннадан ортиқ мева, 4100 тонна узум сотилди. Районда маҳсулот етиштириш ва давлатга топириш юзасидан зиммага олинган социалистик мажбурият анча ошириб бажарилди. Куйбишев номли, «Москва», Оржоникидзе номли, Калинин номли, «Партия XX съезди» колхозлари, Свердлов номли, «Қорасув», «Хасково», «Партия XXI съезди», «Назарбек», «Москва» совхозларининг деҳқонлари, айниқса, юқори кўрсаткичларга эришдилар. Улар зиммаларига олган план ва мажбуриятларини биринчилар қаторида бажаришга муваффақ бўлдилар.

Курултойда сўзга чиққан Калинин номли колхоз раиси Ф. Абдуллаев, «Хасково» совхозининг директори Т. Бекматов, «Қорасув» совхози партия ташкилотининг секретари М. Ёқубова, «Бўзсув» совхози илғор бригадасининг бошлиғи У. Калменов ва бошқа ўртоқлар экинларни эрта экиш ва эрта ҳосил етиштириш афзалликлари ҳақида гапирдилар.

Курултойда мусобақадош Оржоникидзе райони партия комитетининг биринчи секретари Е. Пўлатов, Тошкент райони партия комитетининг биринчи секретари Ю. Толипов ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар.

Курултойда область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари **С. Т. Тошқулов** иштирок этди.

Курултой қатнашчилари сабзавот, картошка ва бошқа экинлардан ҳосил етиштиришни кўпайтириш, чорвачиликни ривожлантириш юзасидан янги мажбуриятлар қабул қилдилар.

КАДРЛАР — ОЛТИН ФОНДИМИЗ

ЯҚИНДА матбуотда область қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг 1977 йилда Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан мева, сабзавот маҳсулотлари ва картошка етиштиришни кўпайтириш бўйича ўтказилган мусобақалари якуни эълон қилинди. Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети қарорига мувофиқ юбилей йили мусобақаси ғолиблари деб, белгиланган хўжаликлар орасида Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхози ҳам бор. Колхоз деҳқонлари ҳар йилдагидек ўтган йилда ҳам сабзавот, мева, узум етиштиришни кўпайтириш, чорвачиликни ривожлантириш соҳасида талайгина ютуқларни қўлга киритдилар.

Қуйида колхоз раиси С. МУҲАММАДЖОНОВ хўжаликнинг ўтган йилги зафарлари ва зарбдор йилдаги вазифалари ҳақида ҳикоя қилиб беради.

ИНСОН қайси касбда ишлашидан қатъий назар, у, бажараётган вазифасига сидқидилдан муносабатда бўлиши, истиқболни кўзлаши, вақти-вақти билан эса ўз-ўзига ҳисоб ҳам бериб туриши керак. У бажараётган иши ўзи учунгина эмас, жамият учун ҳамда ҳамма манфаат келтиришини очиқ-равшан ҳис қила билиши шарт. Ана шундагина унинг ишга бўлган меҳри, ихлоси ортади. Бундай кишиларга ишонч билдирсангиз сира ютқазмайсиз. Улар ишончни ҳалол меҳнатлари билан оқлаб, қувонч келтирадилар.

Хўжалигимизда бундай марду-майдон, ахдига вафодор, берган сўзининг уддасидан чиқиш учун куч-ғайратини аямайдиган, ўзининг бутун тажрибаси, билимини, маҳоратини умумхалқ ишига сафарбар этаётганлар озмунча эмас. Улар боғдорчиликда, сабзавотчиликда, теплица хўжалигида, фермаларда тер тўкиб, меҳнат қилмоқдалар.

Мана Худойназар ота Умаровни олиб кўрайлик. Ажойиб соҳибкор, қалби дарё устоз ва мураббий. Токчилигимизнинг устуни десак, янглишмаган бўламиз. Хўжалигимизда етишиб чиққан ажойиб боғбонлар борки, уларнинг ҳаммаси Худойназар отанинг таълимини олган. Ота токчиликнинг мўридан-сиригача биладиган. Билганларини ёшларга ўргатишдан сира эринмайди. Бир неча йил боғдорчилик бригадасига бошчилик қилдилар. Ҳозир эса агроном бўлиб ишлаяптилар. Худойназар отанинг йўл-йўриғи, маслаҳати, таклифлари асосида узумчилик соҳасидаги тажрибаларимизни йил сайин бойитиб бормоқдамиз.

Яна бир ажойиб, ташкилотчи деҳқон Ислом Баҳромов ҳақида ҳам ҳар қанча мақтов гапларни айтсак оз. Ислом ака юбилей йилида сабзавот экинлари ҳосилдорлигини кескин ошириш бўйича ажойиб ташаббус бошлади. Область партия комитети бир группа илғор сабзавоткорлар қатори унинг ташаббусини ҳам маққуллади.

Баҳромов бригадаси аъзолари далаларда ўзаро мусобақани чинакам авж олдириб меҳнат қилдилар ва элга берган ваъдаларини шараф билан бажардилар. Бу бригада ишлаб чиқариш планини 150 процентдан ошириб бажарди. Ҳар гектар картошкадан 161 центнердан жами 290 тонна ҳосил олиб, бу соҳада ҳам юқори кўрсаткичга эришди. Ҳар гектар ердан 267 центнердан сабзавот етиштирди.

Акром Зоҳидов, Абдураҳим Тожибоев, Қодир Тошпўлатов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалар ҳам юбилей йилини катта кўрсаткичлар билан якунлаб, илғорлар сафидан мустаҳкам ўрин олдилар. Шундай қилиб, колхозимизда давлатга барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш халқ хўжалиги планлари муваффақиятли бажарилди. Ҳар гектаридан 256 центнердан сабзавот, 122 центнердан узум ҳосили олинди.

Бунда юқоридаги сингари уста сабзавоткорларнинг ташкилотчилик роли катта бўлди. Улар, яъни ишбилармон ўрта бўғин кадрлари чорвачиликда ҳам, теплица хўжалигида ҳам катта манфаат келтирмоқдалар.

Колхоз правленияси ва партия ташкилоти уларга муҳим участкаларни ишониб топшириш билан бирга талабчанликни ҳам бўшаштираётгани йўқ.

Ўтган йили ҳар бош сигир сигирдан пландаги 3150 литр ўрнига 3421 литрдан сут согиб олинди. Давлатга гўшт топшириш плани ҳам ортиғи билан бажарилди. Бунда Матлуба Маҳкамова, Хабиба Бердиева, Маҳсума Дадабоева сингари сут согувчилар, Вера Вишнякова, Карима Файзиева, Тўлаган Дадабоев сингари молбоқарларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Колхозимизда 7.9 гектар теплица комбинати ишга туширилди. Ўтган йили 7,40 гектарга экилган сабзавотнинг ҳар бир квадрат метридан 14.1 килограммдан жами 1043 тонна ҳосил олинди. Шундай қилиб, теплица сабзавотчилигидан 574 минг сўм соф фойда келди. Ва бу соҳадаги рентабеллик 83 процентга етди. Деҳқонларимиз, чорвадорларимиз, соҳибкорларимиз юбилей йили якунидан хурсанд. Хўжалик бўйича бир иш кунига 6 сўм 43 тийиндан тақсим қилинди. Бу сметада кўрсатилганидан 2 сўм 38 тийиндан кўпдир. Бошқача қилиб айтганда, бир колхозчининг ўртача ойлик иш ҳақи 180 сўмданга тўғри келмоқда. Сугориладиган ҳар бир гектар ер ҳисобига 3400 сўмдан пул даромади олинди.

Яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида бундай ютуқларни қайд қилиш билан бирга биз асосий диққат-эътиборни кўпроқ фойдаланилмаётган резервлар, бой берилаётган имкониятлар, зарбдор йилда ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларга қаратдик.

Булар нималардан иборат? Биз сабзавотчиликда яхши кўрсаткичларга эришган бўлсак-да, лекин картошкачиликда, узумчиликда бир катор камчиликларга йўл қўйилди. Шунинг учун ҳам ҳосилдорлик камроқ бўлди. Агар 1976 йилда гектаридан 130 центнердан картошка ҳосили олинган бўлса, ўтган йили 120 центнерданга тўғри келди. Айрим бригадалар сабзавот планларини умуман бажарган бўлсалар-да, лекин тўғри бўйича бажараолмадилар. Бу гап айниқса, Абдурахим Тожибоев, Жалил Маждидов, Худойберган Йўлдошев ўртоқлар бошлиқ бригадаларга тааллуқлидир.

Планлаштириш, экинларни карталарга жойлаштириш, агротехника тадбирларини жорий этишда ва амалга оширишда айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги учун ҳам ана шундай аҳвол содир бўлди.

Чорвачиликда ҳам бир мунча камчиликларимиз бор. Сут етиштириш 1976 йилга нисбатан 14,8 тоннага ёки ҳар бош сигирга ҳисоблаганда 22 килограммданга камайиб кетди. Хўжалик эҳтиёжига сўйиладиган молларнинг вазни ҳам жуда паст. Яъни ўртача 180 килограммданга тўғри келди. Агарда хўжалик эҳтиёжига сўйиб юборилган 64 бош мол 400 килограммданга етказилиб, семиртирилганда эди, у ҳолда қанчадан-қанча гўшт иқтисод қилинган бўларди.

Товуқчилик фермасидаги ишларни тубдан яхшилашимиз керак. Ўтган йили ҳар юз бош совлиқдан юз бошдан кўзи олиниб, мажбурият бажарилди. Лекин, умумий бош сони камайиб кетганлиги ачинарлидир.

Турсунбой Мадраимов бошлиқ дончилик, ем-хашак бригадаси аъзолари ҳам яхши ишладилар. Ҳар гектар хашаки лавлагидан 501 центнердан ҳосил олинди. Дон учун экилган маккажўхори ҳосилдорлиги 70 центнерга етди. Лекин ҳосилдорликни янада ошириш имкониятлари ҳам йўқ эмас эди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактуби — бутун йил бўйи киладиган ишларимизнинг программасидир.

Биз колхозчилар ўртасида бу Мактубни кенг ишлаб чиқдик. Мактубда зарбдор йилда қишлоқ хўжалиги ишлари самарадорлигини ошириш, бунинг учун эса мавжуд резервлардан, имкониятлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланган. Бу вазифани бажариш учун энг биринчи навбатда социалистик мусобақага иждодий тус бериш керак. Мусобақа ғолиблари меҳнатига холисона баҳо бериш, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш зарур.

Бу йил хўжалигимиз бўйича ҳар гектар ердан 168 центнердан картошка, 300 центнердан сабзавот, 75 центнердан мева. 183 центнердан узум ҳосили олишга, дон учун экиладиган маккажўхори ҳосилдорлигини 100 центнерга етказишга аҳд қилдик. Ҳар бир квадрат метр теплица майдонидан кам деганда 15 килограммдан маҳсулот топширамиз. Чорвачиликдаги ишларимизни ҳам кескин яхшилаймиз. 4000—5000 килограммчи сут соғувчилар safи кўпаяди. Хўжалик бўйича ҳар бош согин сигирдан кам деганда 3800 литрдан сут согиб олинади. Гўштга топширилган қорамолларнинг ўртача вазни 400 килограммдан кам бўлмайди.

Мажбурият колхозимиз меҳнаткашлари зиммасига катта масъулият юклайди. Шу кунларда улар бу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Қиш мавсуми учун белгиланган тадбирларни бекаму-кўст бажариш, чорва қишловини намунали ўтказиш учун кураш қизитиб юборилди. Бир сўз билан айтганда зарбдор йилда зарбдорчасига меҳнат қилиб, янги марраларни эгаллаймиз.

Н. РИХСИЕВ.

СЎЗ — МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА

Л. И. БРЕЖНЕВ Б. КРАЙСКИЙНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Суратда: суҳбат пайти.

(ТАСС — ЎзТАГ телефотоси).

8 февраль куни КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев амалий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Австрия федерал канцлери доктор Б. Крайскийни қабул қилиб, у билан суҳбатлашди.

Л. И. Брежнев Совет Иттифоқининг бетараф Австрия Республикаси билан анъанавий яхши қўшничилик муносабатларини чуқурлаштириш йўли принципиал, изчил характерда эканлигини таъкидлади. Бетараф мамлакатларнинг, шу жумладан Австриянинг давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш ва кескинликни юмшатиш жараёнини янада ривожлантириш ишига амалий ҳисса қўшиш муддаосига Совет Иттифоқида тушуниб ва хайрихоҳлик билан қаралаётганлиги қайд этилди.

Федерал канцлер Б. Крайский Австриянинг Европа қитъасида ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларидаги позицияси Хельсинкидаги кенгешнинг Якунловчи актига мос бўлиб, Совет Иттифоқининг позициясига яқин ёки муваффақ эканлигини таъкидлади.

Томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни мустақил демократик Австрияни қайта тиклаш тўғрисидаги давлат шартномасининг ўзгармас негизида бундан буён ҳам кенгайтириш ниятида эканликларини тасдиқланди.

Б. Крайский федерал президентнинг Л. И. Брежневни расмий визит билан Австрияга боришга таклиф қилганлигини эслатди. Л. И. Брежнев миннатдорчилик билдириб, қулай пайт келганда шу таклифдан фойдаланишга рози эканлигини таъкидлади.

Учрашув дўстона вазиятда ўтди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов ҳозир бўлди.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети ва Узбекистон Касаба союзлари республика Совети Узбекистон ССР шаҳарлари ободончилиги ва санитария ҳолатини яхшилаш учун ўтказилган социалистик мусобақанинг 1977 йил тўртинчи кварталидаги якунларини чиқардилар.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети ва Узбекистон ССР Касаба союзлари республика Советининг кўчма Қизил байроғи ва биринчи пул мукофоти Фарғона шаҳрига (шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ Тиллахўжаев, шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ Йўлдошев, шаҳар коммунал хўжалик ва ободонлаштириш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Юсупов, маҳаллий саноат ва коммунал-маиший корхоналар ишчилари касаба союзи область комитетининг раиси ўртоқ Турсунов) берилди. Байроқ Андижон шаҳридан олиб берилади.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети ва Узбекистон Касаба союзлари республика Советининг кўчма Қизил байроқлари ва иккинчи пул мукофоти:

Тўрткўл шаҳрига (шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ Нурумбетов, шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ Машарипов, шаҳар коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Қўчқоров, маҳаллий саноат ва коммунал-маиший корхоналар ишчилари касаба союзи область комитетининг раиси ўртоқ Қидиров) берилди. Байроқ Ангрен шаҳридан олиб берилади.

Тошкент шаҳрининг Куйбишев районига (район партия комитетининг секретари ўртоқ Эргашев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Алиев, район ободонлаштириш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Бойматов, маҳаллий саноат ва коммунал-маиший корхоналар ишчилари касаба союзи область комитетининг раиси ўртоқ Акбарова) берилди. Байроқ Тошкент шаҳрининг Чилонзор районидан олиб берилади.

Қарши, Қўқон шаҳарлари, Тошкент шаҳридаги Киров ва Ленин районларини ободонлаштириш ва уларнинг санитария ҳолатини яхшилаш соҳасидаги иш дурустлиги қайд этилди.

ҚЎШИМЧА 800 КИЛОВАТТ-СОАТ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ

Республика электрлаштириш ва энергетика министрлигига қарашли Тошкент ГРЭСи марказлаштирилган ремонт цехининг ва махсус ремонт ишлаб чиқариш корхонасининг ишчилари ва инженерлари энергетика блокининг плагда белгиланган ремонтини бу йил биринчи бўлиб муддатидан олти соату йигирма минут илгари тамомладилар. Шу туфайли истеъмолчилар қўшимча равишда 800 минг киловатт-соатдан кўпроқ электр энергия олдилар.

(ЎзТАГ).

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ С. М. ТОИРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Сеит Меметович Тоиров Ўзбекистон ССР Ўрмон хўжалиги министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Х. ПЎЛАТОВА.

1978 йил, 8 февраль.
Тошкент шаҳри.

МАКТУБДАН РУҲЛАНИБ

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактуби Калинин районидаги 39-автотранспорт корхонаси коллективини меҳнатда янги-янги ютуқлар сари руҳлантириб юборди. Улар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб ўнинчи беш йилликнинг уч йиллик топширғини СССР янги Конституциясининг бир йиллигигача бажариш, йиллик планни муддатидан илгари бажариш ва қўшимча 250 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташиш, 40 минг литр ёнилғи ва мойлаш материалларини, 4 минг сўмлик резина ва эҳтиёт қисмларни тежаш юк ташиш ҳажматларини камайтириш ҳисобига қўшимча 40 минг сўмлик фойда олишга аҳд қилдилар.

Коллектив бу мажбуриятни шараф билан адо этиш учун қизғин кураш олиб бормоқда. Бу ватанпарварлик ҳаракатида бир беш йилликда икки беш йиллик маррасини эгаллашга аҳд қилган А. Болохов, М. Қаумтов, П. Микитасев ва Ф. Морозов каби шоферлар юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Улар шу кунларда ўнинчи беш йиллиқнинг сўнгги йили ҳисобига ишлашяпти.

М. МУРОДОВ.

УЧ ЙИЛЛИК ПЛАН — 7 ОКТЯБРГАЧА

МОСКВА саноат корхоналари коллективларининг ватанпарварлик ташаббуси областимиз корхоналарида ҳам кенг қулоч ёйди. Кетмонтепа луб заводининг коллективи бу ташаббусга қўшилиб, СССР Конституциясининг юбилейи — 7 октябргача уч йиллик планни бажаришга қарор қилди.

Корхонанинг пешқадам ишчилари шахсий ошириладиган мажбуриятлар олишди. Жумладан, В. Живайкин 7 октябргача 1981 йилнинг шахсий планини бажаришга, О. Абдураҳмонов эса бу муддатгача тўрт йиллик, Анна Чернова уч ярим йиллик шахсий планларни адо этишга ваъда бердилар.

Қуйи Чирчиқ районидаги эксперименталмеханика заводининг коллективи ҳам Бахтимиз Қомуси юбилейигача уч йиллик планни бажаришдек юксак мажбурият олди.

М. УСМОНОВ.

ЯНГИ МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАБ

Она замин ўзига қалб қўрини, меҳрини берган фарзандидан саҳоватини аямайди. Ерга сарфланган меҳнат, пешона тери дур бўлиб униб, деҳқонга ғалаба ва омад келтираверади. Пискент районидаги «Гулистон» колхози аъзоларининг эришган ютуқлари бундан дарак бериб турибди.

Хўжаликда пахтачилик етакчи тармоқ ҳисобланади. Колхозчилар ўтган йилнинг бошида 1000 гектар майдонда ҳосилдорликни 36 центнерданга етказиш, давлатга 3600 тонна «оқ олтин» армуғон этиш ҳақида бир оғиздан қарор қабул қилган эдилар. Ваъдага вафо марднинг иши, дейди халқимиз. Лафзи ҳалол пахтакорлар дастлабки кунларданоқ сўзларига яраша меҳнат қила бошладилар.

Баҳор ойлари қуруқ келиб, табиат ўз инжиқлигини намойиш этди. Бироқ, гулистонликлар ундан ҳеҳсон кутиб ўтирмай, енг шимариб ишга киришдилар. Сувдан унумли ва тежаб-тергаб фойдаланиш, айниқса кечалари карталарга оби-ҳаёт тараш натижасида чигит бир текис униб чиқди. Р. Шарапов, Н. Давронов, Е. Анорқулов сингари сувчиларнинг жонбозликлари туфайли дастлабки имтиҳондан муваффақиятли ўтилди.

Кейин навбатдаги босқичлар бошланди. Механизаторлар, звено бошлиқлари, колхозчилар, кечаниқеча, кундузни-кундуз демай, бир ёқадан бош чиқариб тер тўкишди. Ўз вақтида ишлов берилди, чопиқ ва ягана сифатли ўтказилди. Илғорлар рағбатлантирилди. Биринчи ишловни намунали ўтказган 101 кишига 8460 сўм қўшимча ҳақ тўланди. Бу — ишларни барвақт туғаллаш ўғитлаш, суғориш ва культивация қилишни ҳар йилгига қараганда 10—12 кун илгари якунлашга имкон берди. Ғўза яхши ривожланиб, эрта етилди.

Олтин куз колхоз пахтакорларига катта кувонч ва шодлик келтирди. Ҳосил чўғи салмоқли бўлди. «Зангори кема» суворийларининг шижоати, хўжаликдаги катта-ю кичикнинг аҳиллик билан ишлаши туфайли план ва социалистик мажбуриятлар муддатидан олдин шараф билан бажарилди. Гектаридан биринчи марта 37,22 центнердан, жами 3722 тонна пахта ҳосили олинди. Унинг 3270.6 тоннаси яъни 90 процентга яқини терим машиналари ёрдамида йиғиштириб олинди. Халқ хўжалик плани 118 процент адо этилди. Умумий ҳосилнинг 95.5 проценти эса биринчи сортларга топширилди.

Ҳамма жойлардагидек хўжалик машъаллари бу ғалабага катта ҳисса қўшдилар. Абдугани Назарқулов бошлиқ 5-бригада аъзолари ҳар гектаридан 47,3 центнер, Маннон Мусаев етакчилик қилаётган бригада аъзолари эса, 47,1 центнердан хирмон кўтардилар. Ф. Бадалов, А. Арислонов, С. Эсиргепов бошлиқ бригадалар ҳам социалистик мусобақада муятазам пешқадамлар сафида бориб, салмоқли ютуқларни қўлга киритишди.

Бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ҳам ортди. Ўрта звено кадрларининг тажрибали, маълумотли кишилар ҳисобига ўсаётганлиги туфайли ғалла, сабзавот, пиёз ва пилла ҳар йилгидан анча кўп етиштирилди. Чорвачиликда муҳим ютуқлар қўлга киритилди.

Пахтачиликдан олдинги йилга нисбатан 730 минг 722 сўм кўп даромад олинди. Колхозчилардан А. Абдужабборов оиласининг йиллик иш ҳақи 6093 сўм, А. Ҳамроев оиласиники эса 6837 сўмни ташкил қилди. Ишлаб чиқаришнинг кенгайганлиги ва қатор ютуқлар халқ фаровонлигининг юксалиб боришида ўз ифодасини топаётир.

Бироқ колхозда янада улкан натижаларни қўлга киритишга тўсиқ бўлган сабаблар ҳам бор. Баъзи бригадаларда бу йил мавсумий ишлар ўз вақтида бажарилмади. Айрим жойларда ғўза парваришни кўнгилдагидек ўтказилмади. Энг юқори ҳосилли саналган 3-бригаданинг И. Эшметов бошлиқ звеносини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Бу звенода, экиш сифатсиз ўтганлиги туфайли ғўза сийрак бўлиб қолди. Чигит суви ва чопиқ сифатига яхши эътибор берилмади. Баъзи карталарни ўт босди. Бу камчилик натижасида ўғитлаш ва суғориш кечикди. Оқибатда қўшни И. Холмирзаев звеносига қараганда ҳосилдорлик 3.2 центнер кам бўлди.

Хўжаликнинг 4, 6, 7-бригадаларида ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилди. Инл бошида бу бригадалар механизаторларининг техника ремонтини чала ўтказганлиги, маданий ва маҳаллий ўғитлардан яхши фойдаланмаганлиги туфайли ғўза парваришни кечикиб кетди. Бу ўз навбатида ҳосилдорлик ва даромадга салбий таъсир кўрсатди. Ғаллачилик, пиллачилик ва чорвачилик соҳаларида ҳам баъзи нуқсонлар содир бўлдики, улар ютуқларга соя ташлаб турибди.

Хўжалик аъзоларининг умумий йиғилишида колхоз правленияси раиси И. Ҳайдаров ана шулар ҳақида гапирди. Сўзга чиққан бошқа нотиқлар ҳам турли соҳалардаги ишларни атрофлича таҳлил қилиб беришди. Навбатдаги улкан вазифалар, пахтакорлик шарафи ҳақида фикр юритилди.

...Серҳосил далалар ҳозир киш кўрпаси остида мамнун мудраяпти. Бироқ деҳқон тиним билмайди. Ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида ҳар гектар майдондан 40 центнердан пахта, 100 центнердан маккажўхори дони ҳосили етиштириш, ғалла, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини янада оширишга аҳд қилган ушбу колхоз аъзолари кўплам тараддудида.

А. БОБОБЕКОВ.

КОЛХОЗЛАРДА ҲИСОБОТ ЙИҒИЛИШЛАРИ

СИФАТГА ЭЪТИБОР

ПОПТАХТдаги 10-авторемонт заводи шу турдаги корхоналар ўртасида пешқадамлардан ҳисобланади. Завод коллективи самарадорлик ва сифат беш йиллигида машиналар ремонтининг янада сифатли бўлишига катта эътибор бермоқда. Бу ерда ўтган йилнинг октябрь ойидан бошлаб львовликларнинг сифатли бошқариш системаси қўлланилиб, Бу система бўйича фақат ремонт ва маҳсулот сифатини ошириб қолмай, ремонтчининг иш сифатига ҳам алоҳида эътибор берилади. Меҳнат интизоми, иш жойини ташкил этиш, меҳнат унумдорлигини кўтариш, малакасини ошириш кабилар шулар жумласидандир.

Корхонадаги барча ишчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимлар мана шу система бўйича ишлашга жалб этилган. Ҳар бир цех, участка ва бўлимда сифатга жавобгар кишилар тайинлаб қўйилган. Айни кунларда заводнинг К. Зиямуҳамедов, Р. Сулаймонов, С. Титов, В. Белобородов, В. Абдураҳимов каби турли касб эгалари шахсий тамға билан ишлашмоқда.

Т. ГОРДЕЕВА.

ЗАРБДОР ВАХТАДА

УЧИНЧИ йириқ панелли уйсозлик заводи «Главташкентстрой»нинг пешқадам корхоналаридан ҳисобланади. Уйсозлар давлат планлари ва зиммага олган социалистик мажбуриятларини доим шараф билан бажаришяпти. Улар ўтган йили қўшимча 51 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди. Темир-бетон конструкциялари тайёрлаш топшириғи 106,4 процент қилиб бажарилди.

Корхона коллективи юбилей йилида қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида зарбдор вахтада туриб ишламоқда. Социалистик мусобақа оммавий тус олиб кетди. Унда қатнашаётган қатор коллективлар яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Айниқса, вертикал ва горизонтал қолиплаш цехларининг Н. Тоғров, Г. Идиятулин, арматура цехининг И. Нурбоев бошлиқ бригадалари меҳнатда бошқаларга намуна бўлишяпти. Уларнинг смена давомидаги ўртача иш кўрсаткичлари 120—125 процентни ташкил этмоқда.

Ишчи-хизматчилар ўтган йили 88 минг куб метр йирма темир-бетон панеллари ишлаб чиқаришган эди. Бу йил эса уни 90 минг куб метрга етказиш учун курашмоқдалар.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

ЯНГИ ЦЕХ

Тошкент область Чиғириқ қабул қилиш пунктида қурилган шоли тозалаш ва қуритиш цехи фойдаланишга топширилди. Цех бир соатда 32 тонна ғаллани тозалаб, қуритиб беради. Энг сермеҳнат иш—вагонларга шоли ортишни механизациялаш ҳам кўзда тутилган. Диспетчерлик пультидан оператор бункерларнинг туйнугини очади, бу ерда тозалангандан кейин тўпланиб қолган шоли 15—20 минут ичида вагонга ортилади. Илгари бу ишни тўрт киши механик транспортёрлар ёрдамида бажариб, ўн баравар кўп вақт сарфларди.

Сирдарё ғалла қабул қилиш корхонасида ҳам шундай цех ишга туширилди.

(ЎзТАГ).



Собиржон Одилжонов кўп йиллардан бери пойтахтдаги 1-пойафзал фабрикасида меҳнат қилиб келмоқда. У шахсий беш йиллик топшириғини тўрт йилда бажариш мажбуриятини олган. Суратда: С. Одилжонов иш устида.

Пастдаги суратда Чирчиқ трансформатор заводи асбобсозлик цехининг пешқадам ишчилари — ака-ука токарлар Борис ва Юрий Кузаевлар. Улар айни кунларда 1979 йил ҳисобига маҳсулот тайёрлашмоқда.

А. Тўраев фотолари.

СУҲБАТЛАР ТЕМАТИКАСИ

Областимиз меҳнаткашлари КПСС XXV съездида олға сурилган иқтисодий ва социал ривожланиш улуғвор программасини амалга оширишнинг йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Совет кишиларининг меҳнат зафарлари СССР Марказий Статистика бошқармасининг ахборотида ўзининг тўла ифодасини топган. («1977 йилда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат планининг якунлари тўғрисида СССР Марказий статистика бошқармасининг ахбороти» — марказий газеталарнинг 28, республика газеталарининг 29, область газеталарининг 31 январь сонлари). Ўзбекистон ССР, Тошкент области ва Тошкент шаҳри статистика бошқармалари ахборотлари ҳам бундан ёрқин далолат беради. (Область газеталарининг 1 ва 2 февраль сонлари).

Янги йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб область меҳнат коллективларида беш йиллик учинчи йили ва умуман, ўнинчи беш йиллик плани ва мажбуриятларини бажариш учун кураш авж олиб кетди. Колхозчилар, ишчилар, мутахассислар, барча ходимлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубини қизғин кутиб олдилар. Улар 1978 йилни зарбдор меҳнат йилига айлантиришга қатъий аҳд қилиб, КПСС XXV съездида белгиланган шарафли вазифаларни барвақт адо этишга қатъий бел боғлаганлар. Эндиликда «Яхшироқ, самаралироқ ва сифатлироқ ишлайлик!» деган шиор остида бошланган социалистик мусобақа янги куч билан авж олмоқда.

Бу йил областимиз меҳнаткашлари олдида ҳам ғоят масъулиятли вазифалар турибди. Бу вазифалар область партия ташкилоти актив йиғилишида муҳокама этилди. (Область газеталарининг 24 январь сони).

Шу кунларда партия ташкилотлари ва оғзаки сиёсий агитация кадрлари идеология ишини қизитиб юборишмоқда. Бунда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубини ҳар бир меҳнаткаш онгига етказиш айниқса муҳимдир. Токи ҳар бир ходим ўз меҳнати бутун жамиятнинг иши ва ташвиши билан чамбарчас боғлиқлигини чуқур ҳис қилиб социалистик мусобақада фаол иштирок этсин.

Бутун мамлакатда бўлганидек, областимизда ҳам беш йиллик уч йили планларини СССР Конституцияси қабул қилинган кунининг бир йиллигигача адо этиш ҳаракати кенг ёйилмоқда. Шу мақсадда ҳар бир меҳнаткаш, ҳар бир коллектив ўзи учун аниқ марралар белгиламоқда.

Партия ташкилотлари агитация кадрлари учун навбатдаги семинар ўтказиб, унда қуйидаги материаллардан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир:

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактуби (Марказий, республика, область газеталарининг 1978 йил 14 январь сони).

Ўзбекистон КП саноат, транспорт, алоқа, илмий ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари, министрликлар, идоралар ва саноат бирлашмалари ходимларининг 1978 йилги социалистик мажбуриятлари (республика ва область газеталарининг 4 февраль сони).

Ишда ленинча услубнинг муҳим хусусияти (КПСС МК журнали «Партийная жизнь», 2-сон, 15—20 betлар).

Сўз ва шахсий намуна билан («Агитатор», 2-сон, 2—4 betлар).

КПСС XXV съезди қарорлари асосида сиёсий агитация вазифалари ва унинг ҳозирги замондаги ролининг ошиши («Ўзбекистон агитатори», 1-сон, 26—30 betлар).

Февраль ойида суҳбатлар ўтказиш учун қуйидаги мақолалардан фойдаланинг:

МАМЛАКАТ ИЧКИ-СИЁСИЙ ҲАЁТИ МАСАЛАЛАРИ:

Коммунизм идеалларига садоқат (КПСС МК журнали «Партийная жизнь», 1-сон, 55—63 betлар), «Ўзбекистон агитатори», 1-сон, 3—7 betлар).

Беш йиллик янги марралари сари («Правда», 29 январдаги бош мақола, «Агитатор», 2-сон, 5—11 betлар).

ОҒЗАКИ СИЁСИЙ АГИТАЦИЯ КАДРЛАРИГА ЁРДАМ

Зафарли Ленин йўлидан («Агитатор», 1-сон, 9—12, 2-сон, 13—16 betлар).

Биз кутган Асосий Қонун («Ўзбекистон агитатори», 1-сон, 16—18, 2-сон, 7—9, 21—23 betлар).

Улуғ Октябрь ғалабаларини қўриқлаб. Совет Қуролли Кучларининг 60 йиллигига («Агитатор», 1-сон, 20—26, 2-сон, 29—30 betлар, «Политическое самообразование», 1-сон, 14—22 betлар).

Оталар изидан. ВЛКСМ XVIII съездига. («Агитатор», 2-сон, 17—23, КПСС МК журнали «Партийная жизнь», 1-сон, 18—26 betлар).

ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ МАСАЛАЛАРИ

Экономиканн бошқариш ривожланган социализм талаблари даражасида бўлсин («Коммунист», 1-сон, 6—15, «Агитатор», 1-сон, 14—15, «Ўзбекистон агитатори», 1-сон, 13—15 betлар).

Зарбдор меҳнат йили («Агитатор», 1-сон, 8—13 betлар).

Ўзбекистон ССР иқтисодий ўсишининг омиллари («Ўзбекистон коммунисти», 1-сон, 31—38 betлар).

Меҳнаткашларнинг оммавий-техникавий ижоди («Политическое самообразование», 1-сон, 90—96 betлар).

Колхоз ва совхозларнинг техника билан жиҳозланиши—рақамлар ва фактлар («Агитатор», 2-сон, 31—32 betлар).

ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ

Адабиётларнинг ўзаро алоқалари ва ўзаро таъсири идеология қураши орбитасида («Коммунист», 1-сон, 88—94 betлар).

Аҳоли нуфуси масалалари ва регионал демографик сиёсат («Ўзбекистон коммунисти», 1-сон, 39—44 betлар).

Янги кишининг кашф этилиши («Коммунист», 1-сон, 87—91 betлар).

Ёш авлоднинг маънавий шаклланиши («Политическое самообразование», 1-сон, 38—46 betлар).

Инсон саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик («Агитатор», 2-сон, 24—28 betлар).

Капитализм мамлакатларида олий таълимнинг социал проблемалари («Политическое самообразование», 1-сон, 110—113 betлар).

Атеистик тарбияда яккамаякка ишлаш («Агитатор», 2-сон, 41—43 betлар).

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

Социализм ва жаҳондаги муносабатларнинг қайта қурилиши («Международная жизнь», 1-сон, 3—14 betлар).

Дўстона алоқалар мустаҳкамланмоқда («Агитатор», 2-сон, 52—54 betлар).

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ҳар тарафлама ҳамкорлигининг ривожланиши ва қардошларча бирлигининг мустаҳкамланиши («Ўзбекистон коммунисти», 1-сон, 53—62 betлар, «Международная жизнь», 1-сон, 34—45 betлар).

Қуролсизланиш — мустаҳкам тинчликка олиб борадиган йўл («Международная жизнь», 1-сон, 23—33 betлар).

Нейтрон бомба, у шундай қурол («Коммунист», 1-сон, 97—103, «Правда» газетасининг 25 январдаги бош мақоласи, КПСС МК журнали «Партийная жизнь», 1-сон, 72—74 betлар).

Миллий озодлик ҳаракати, унинг масалалари ва истиқболлари («Политическое самообразование», 1-сон, 79—89 betлар).

Совет Иттифоқи ва ривожланаётган мамлакатлар («Ўзбекистон коммунисти», 1-сон, 62—70 betлар).

СССР—АҚШ: муносабатларни тенглик асосида қуриш («Агитатор», 1-сон, 37—40, «Международная жизнь», 1-сон, 109—113 betлар).

Яхши қўшничилик ва ҳамкорлик СССР ва Япония манфаатларига мосдир («Международная жизнь», 1-сон, 52—56 betлар).

Ривожланган капитализм мамлакатларининг касаба союзлари социал тараққиёт учун курашда («Мировая экономика и международные отношения», 1-сон, 12—25 betлар).

Радио қўпорувчиларнинг манфур услублари («Агитатор», 2-сон, 58—60 betлар).

ЭСЛАТМА: Суҳбатга тайёрланишда вақтли матбуот материалларидан, маҳаллий фактлар, мисоллар ва рақамлардан фойдаланинг.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА

РЕЗЕРВЛАР— ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Газетанинг биринчи саҳифасида биз зарбдор йил ташаббускорлари билан таништамиз. Улар бу йилда ончагина. Ҳамид Олимжон номли колхознинг Октябрь революцияси ордени кавалери Ж. Пиримқулов бошлиқ бригадаси пахтакорлари 130 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишга, ўтган йили ҳар бош соғин сигирдан 5016 литрдан сут соғиб олган «Партия XXII съезди» колхози чорвадори Мақсуда Қўлдошева зарбдор йилда бу кўрсаткични 5300 литрга етказишга аҳд қилишган.

«Оққўрғон» совхози меҳнаткашлари эса йиллик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш планини СССР Конституцияси кунигача бажаришга сўз беришди. Бу ташаббусга Алимкент пахта тозалаш заводининг Ф. Понамаренко бошлиқ бригадаси, йўл қуриш участкаси ва бошқа коллективлар ҳам қўшилишди.

Оққўрғон район **«Мўл ҳосил учун»** газетасининг махсус сони зарбдор йил мажбуриятлари ва уларни бажариш юзасидан ҳозир кўрилаётган тадбирлар таҳлилига бағишланган. Район ижроия комитети раиси С. Ғойибовнинг мақоласи «Резервлар — бойлигимиз» деб номланган. Мақолада асосий эътибор ўтган йили фойдаланилмай қолган имкониятларга қаратилган.

— Юбилей йилида еттита хўжалик, учта бўлим, 50 бригадада район даражасидан паст ҳосил етиштирилди, —деб ёзади у.— Ҳосилдорликни ошириш, қолоқларни илғорлар даражасига етказиш биз учун катта резервдир.

Ички саҳифалардаги материаллар «Юбилей йили мусобақасининг меҳнат жўшқинлиги ва маромини сақлаб қолайлик» деган умумий сарлавҳаси остида берилган. Қўш саҳифада «Оққўрғон» совхози партия комитетининг секретари, С. Чегабоев, Навоий номли колхоз бригада бошлиғи И. Жиноков ва бошқа ўртоқлар ўрта бўғин кадрларини тарбиялаш, ички резервларни ишга солиш, ҳосилдорликни ошириш бўйича ўз коллективларида кўрилаётган тадбирлар тўғрисида ёзишган.

Газета шу сонда қолоқлар билан суҳбатлар ҳам уюштирган. Ўтган йили давлат планини бажара олмаган Куйбишев номли колхоз, Оққўрғон пахта тозалаш заводи раҳбарлари зарбдор йилда қолоқлик доғини ювиш мақсадида шу кечаю кундузда қилинаётган ишларни баён этишган.

Ҳар бир материалда ишлаб чиқаришда маълум бўлган резервлар тилга олинади. Бинобарин, бу резерв ва имкониятлар йиллик топшириқларни муваффақиятли бажаришни таъминлайди. Газета бундан буён шу соҳани ўз назорати остига олиши, хўжаликлар бўйлаб тез-тез рейдлар ўтказиши, бу билан ички имкониятларнинг тўла ишга солинишига кўмаклашиши керак.

ШУ КУН НАФАСИ

«Социалистик мусобақа кундалиги», «Чорвадорлар саҳифаси», «Адабиёт ва санъат» каби тематик саҳифалар билан газетхон ҳар ойда бир-бир танишиб боради.

Қуйи Чирчиқ район **«Ленин йўли»** газетаси саҳифаларида саноатчилар мусобақаси «Социалистик мусобақа кундалиги» умумий рубрикаси остида мунтазам бериб бориляпти. Ўтган йили мусобақа темасида 12 та махсус саҳифа чиқди. Яқинда газетхонлар социалистик мусобақа кундалигининг навбатдаги саҳифаси билан танишдилар. Саҳифа асосан СССР Конституцияси бир йиллигини беш йилликнинг уч йили планини бажариш билан кутиб олишга отланган коллективлар иш фаолиятига бағишланди. Яъни, «Новая жизнь» луб заводлари, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» пахта тозалаш заводи ишчилари меҳнатидан ҳикоя қилувчи материаллар газетхонларга маъқул бўлди.

«Чорвадорлар саҳифаси»ни эса газетхонлар икки йилдан бери мунтазам ўқиб келмоқдалар. Бу саҳифаларда чорва маҳсулдорлигини ошириш, фермаларда ишни ташкил қилиш, илғорлар тажрибасини оммалаштиришга оид мақолалар кўпроқ берилаяпти.

Навбатдаги саҳифада Свердлов номли колхоз чорвадорларининг маҳсулдорликни ошириш бўйича тўплаган тажрибалари кенг ёритилди. Колхоз гўштга топшираётган ҳар бош қорамол вазни 456 килограммни ташкил этмоқда. Ўтган йили давлатга 81 тонна гўшт сотилди. Сут етиштиришда ҳам хўжалик йил сайин илгарилаб бораяпти. Ўтган йили ҳар бош соғин сигирдан ўрта ҳисобда 3551 килограммдан серкаймоқ сут соғиб олинди. Қиш мавсумида ҳам чорвадорлар иш суръатини сусайтирмай унумли меҳнат қилмоқдалар.

Димитров номли, Ҳамза номли колхозлар сут-товар фермаларидан ёзилган мақолаларда ҳам шу кунинг нафаси сезилиб турибди. Уларда чорва қишловини намунали ўтказаётган илғорлар ҳақида қизиқарли ҳикоя қилинган.

ПИШИҚ ВА БЕЖИРИМ

ФАБРИКАМИЗ ишчи-хизматчилари ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилини меҳнатда яхши натижалар билан якунладилар. Йил бошидан социалистик мусобақани авж олдириш, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб нишонлаш учун тинмай курашиш туфайли давлат плани ва зиммага олинган социалистик мажбуриятлар зиёдаси билан адо этилди. Савдо шохобчаларига пландагидан ташқари 28 минг жуфт оёқ кийими етказиб берилди. Ўтган йили давлат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқариш белгиланганидан бирмунча ошиқроқ бўлди. Фахрли беш қирра тамғаси қўйилган болалар пойафзалидан қўшимча 62 минг жуфт ишлаб чиқарилди.

Юбилей йилида ана шундай марраларни эгаллаган коллективимиз бу йил ҳам самарали ва сифатли ишлашга астойдил бел боғлади. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубидан руҳланган пойафзалчиларимиз йил давомида зарбдор меҳнат қилишмоқчи. Ишчиларимиз йил давомида пландагидан ташқари 200 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш, пойафзал ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг 90 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига эришишни мақсад қилиб қўйдилар.

Корхонамиз цехлари ва участкаларида ана шу юксак марраларни ҳам шараф билан эгаллаш учун социалистик мусобақа кун сайин авж олмоқда. Бунда республикамиз ўн илғор ишчиси ташаббусига қўшилган ишчиларимиз бошқаларга намуна бўлишяпти. Коммунистлардан Р. Ҳакимов, М. Мирзажонов, Т. Қамбаровлар беш йилликни муддатидан илгари бажариш юзасидан зиммаларига олган шахсий мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар. Қолипга бошлиқ тортувчи О. Собиров шу кунларда йилимизнинг сўнгги ойи ҳисобига ишлаяпти. У ўнинчи беш йиллик топшириғини уч ярим йилда бажармоқчи. Коммунист Л. Монахова раҳбарлик қилаётган участка коллективи участкалараро социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб, ҳозир икки ярим йиллик топшириқни бажариш арафасида турипти.

Бизда ютуқлар гарови бўлган мураббийлик ҳаракати тобора кенгаймоқда. Чунки, корхонамизда ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Шунинг учун ҳам мажбурият, партия ва касаба союз ташкилотлари бу ҳаракатни кенгайтиришга, устозлар сафини кўпайтиришга, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг янги-янги формаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Корхонамизга ишга келган ҳар бир ёш тажрибали ва малакали ишчиларга биркитиб қўйилмоқда. Унумли ишлаш билан ўз тажрибасини, маҳоратини ёшларга ўргатиб, коллективимиз ўртасида обрў-эътибор қозонаётган пойафзалчилар бизда анчагина бор. Коммунист А. Акромов ана шундайларнинг бири. Меҳнат ветерани ҳисобланган донгдор пойафзалчимизнинг корхонамиздаги кўп йиллик иши муносиб тақдирланган. У Меҳнат Қизил Байроқ ордени олишга муяссар бўлган. Шунингдек, Ш. Юсупова, Т. Қамбаров, А. Прокофьева, С. Худабоева, М. Аюпов сингари мураббийлар ҳам юксак ишончни оқлаб келишяпти. Уларнинг ҳар бири ўнлаб шогирдлар тайёрлашган. Бу билан малакали ишчиларимиз сафининг кўпайишига муносиб ҳисса қўшишяпти.

Совет кишиларининг талаб ва эҳтиёжи кун сайин ортиб бормоқда. Эндиликда улар ўнни кўриб бирни оладиган бўлиб қолишди. Айниқса, жажжи гражданларимиз учун тикилаётган пойафзаллар ҳам кўркам, ҳам сифатли ва бежирим бўлиши керак. Бунга эришишнинг эса ўзи бўлмайди. Лекин, коллективимиз бутун резерв ва имкониятларни ишга солиб, махсулот сифатини яхшилаш йўлидан бораверади. Бунинг учун ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялашни давом эттираверамиз. Коллектив ўртасида маҳсулот сифатини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушунтириш юзасидан ишларни олиб борамиз. Корхонада ўзаро талабчанлик ва масъулиятни, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузувчиларга нисбатан муросасизлик вазиятини вужудга келтирамиз. Ана шундагина жорий қилинган янги техника ва технология яхши самара беради. Ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили топшириқлари барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича шараф билан адо этилади.

Х. ЖАМОЛИДДИНОВА,
Чирчиқдаги пойафзал фабрикаси технологи.

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР ИЗЛАНИШДА

ОҲАНГАРОНДАГИ «Сантехлит» заводида ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, янги техника ва технологияни жорий қилиш билан боғлиқ бўлган жуда кўп тадбирлар кўрилмоқда. Бу хайрли ишда корхона рационализаторлари ва ихтирочилари ҳам фаол қатнашмоқдалар. Улар ўзларининг қимматли таклифлари билан қўл меҳнати сарфини камайтириш, хом ашё ва материалларни тежаб қолиш, ишлаб чиқариш нинг қолоқ участкаларини такомиллаштиришга самарали ҳисса қўшишяпти.

Новаторлар юбилей йилида анча баракали ижодий изланиш олиб боришди. Улар 85 та таклиф билан чиқишди. Бу таклифларнинг 81 таси амалга оширилди. Бундан кўрилган иқтисодий самара миқдори 61,5 минг сўмни ташкил этди. Новаторлар сафи ҳам анча кенгайди. Ҳозир техника ижодкорлари қаторида 80 га яқин ишчи-хизматчи бор.

Актив рационализаторлардан П. Ильюхин таклифлари самараси яхши бўляпти. Биргина ўтган йили у иккита муҳим таклиф билан чиқди. Махсулотларни юклашда фойдаланиладиган занжирли конвейерлар конструкциясини такомиллаштириш юзасидан амалга оширган тадбири туфайли 1 минг сўмлик иқтисодий самара кўриш имконн туғилди.

Ремонт-механика цехи мастери Н. Пашков қуюв цехида ванна тайёрлаш жараёнини тезлаштиришга қаратилган янгиликни ўйлаб топди ва амалга оширди. Ундан кўриладиган фойда минг сўмдан ошиқроқни ташкил этди. Шунингдек, корхонанинг Е. Гребешков, В. Анулов, А. Сиропетов каби ижодкорлари ҳам кўплаб иқтисодий самара берадиган таклифлар киритишди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубидан руҳланган корхона новаторлари ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида ҳам ижодий изланиш кўламини кенгайтиришга аҳд қилдилар. Улар йил давомида ўнларча минг сўмлик давлат маблагини тежаб қолиш имконини берадиган рационализаторлик таклифлари ва ихтироларини амалга оширишади.

О. ХУШНАЗАРОВ.

МАКТУБГА ЖАВОБАН

БЕКОБОД. В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи прокат цехининг коллективи металлни қиздириш технологиясини янги усулга кўчирди. Юпқа олов берувчи горелкалар билан жиҳозланган методик печда металл қиздириш ғоят фойдали бўлмоқда. Янги усул ҳар йили 14 минг сўмлик иқтисодий самара беради. Мана шу участкадаги меҳнат унумдорлиги эса 5 процентга ўсади.

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИБ

ШАҲАРДАГИ босмахонада беш йиллик учинчи йили план-топшириқларини СССР Конституцияси қабул қилинган кунининг бир йиллигигача адо этиш учун социалистик мусобақа кунданкун авж олмоқда. Январь ойи планини муддатдан қарийб бир ҳафта олдин бажарган матбаачилар шу кунларда янада катта ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишмоқда.

С. АКРОМОВ,
Бекобод.

МИНЕРАЛ ЎҒИТ КЎПАЯДИ

ОЛМАЛИҚ химия заводи коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига жавобан ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида зарбдор меҳнат қилмоқда. Барча цехлар ва участкаларда зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш учун қизғин кураш боряпти. Янги-янги резервлар аниқланиб, ишга солинмоқдаа.

Илғорлар ҳақида сўз кетганда Улуғ Ҳамидов бошчилик қилаётган смена коллективини биринчилар қаторида тилга олишади бу ерда. Ўтган хўжалик йилида яхши натижаларга эришган бу смена кимёгарлари бу йил ҳам меҳнатда ҳаммага намуна бўлишяпти. Улар ҳар сменада қўшимча юзлаб тонна минерал ўғит ишлаб чиқаришга муваффақ бўлмоқдалар.

Пешқадамлар январь ойини яхши якунлашди. Қўшимча 7400 тонна минерал ўғит ишлаб чиқаришди. Суръат шундай бўлаверса уч йиллик топшириқни СССР Конституциясининг бир йиллигигача бажариш юзасидан зиммаларига олган мажбуриятни сўзсиз муддатидан илгари бажаришади. Смена аъзоларининг фикри-зикри, мақсади ҳам худди шунга қаратилган.

Ш. АЛИМОВ.

Тошкент грампластинка заводида ўнинчи беш йилликнинг зарбдор йиллигини яхши кўрсаткичлар билан якунлаш учун мусобақа тобора авж олиятти. Шу ватанпарварлик ҳаракатида актив иштирок этаётган электр слесарлари бригадири А. Меркулов (чапдан), қирқувчи С. Косухова, пресловчи Г. Лутфуллиналар меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Улар нормани 120—125 процентдан бажаришяпти.

В. Таран фотолари.

Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхозниг 9,2 гектар майдони эгаллаган теплица хўжалигида ҳозир авжи пишиқчилик. Бу ерда колхозчилар сабзавотдан мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Суратларда: колхоз теплица хўжалигидан лавҳалар.

В. Таран фотолари.

ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ

ОБЛАСТЬ транспорт корхоналари ўртасида ўтган юбилей йилида «Ўз касбининг устаси» деган шарафли номни олиш учун мусобақа ташкил этилган эди. Йил якунлари кўриб чиқилди. Янгийўлдаги 2503-юк ташиш автоколоннасининг илғор ҳайдовчиси Э. Ранфов мана шу номни олишга сазовор бўлди. У ўзининг «ЗИЛ-130» маркали машинасида Чиноз карьеридан Янгийўл асфальт-бетон заводига қум-шағал етказиб беришда самарали ишламоқда. Ўнинчи беш йиллиннг ўтган икки йилида у машинаси билан пландан ташқари 10 минг тонна юк ташишди. Бу муддатда Ранфовнинг автомобили капитал ремонтсиз 450 минг километр масофани босиб ўтди.

Э. Ранфов СССР Конституциясининг бир йиллик юбилейи кунигача беш ярим йиллик шахсий топшириқни бажаришга аҳд қилди.

Т. ГОРДЕЕВА.

КОЛЛЕКТИВ АҲДИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги Мактубидан руҳланган «Электробиттприбор» заводининг коллективи янги марраларни белгилаб олди.

Завод ишчи ва хизматчилари бу илҳомбахш Мактубни чуқур ўрганиб чиқиб, зиммаларига оширилган мажбурият қабул қилдилар. Корхонанинг 30 га яқин ишчиси, тўрт бригада коллективи беш йиллиннг уч йили планини СССР Конституциясининг бир йиллигигача бажаришга қарор қилишди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган қандилларнинг икки хили давлат Сифат белгиси билан тайёрланмоқда. Маҳсулотлар Ўрта Осиё республикаларига ва мамлакатимизнинг бошқа кўплаб шаҳарларига жўнатиляпти.

Завод коллективи 1978 йил планини 20 декабрда бажариш, йил охиригача пландагидан ташқари 70 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, 3 минг киловатт-соат электр энергияси, 1,5 минг килограмм пластмасса ва 200 тонна турли хил кимёвий маҳсулотларни тежаш мажбуриятини олдилар.

И. РУСТАМОВ.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

„ТИГРИС“ СУЗИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

КАРОЧИ, 7 февраль. (ТАСС мухбири). «Тигрис» Карочида бир ҳафта бўлгач шатакка олиниб, Арабистон денгизига чиқарилди ва Ҳинд океани сари йўл олди.

Бу ерда тўхташ чоғида команда аъзолари қадимги Харппа маданияти марказларидан бири Мохенжо-Даро билан танишдилар ва шу районда ўтказилувчи археологик тадқиқотларнинг материалларини ўрганиб чиқдилар. Бу ерда топилган шакли жиҳатидан «Тиграс»га ўхшаб кетадиган қайиқлар тасвири туширилган танга ва муҳрлар Миср, Месопотамия ва Ҳинд водийсидаги қадимги учта маданият ўртасида денгиз орқали гоятда қалин савдо-сотиқ алоқалари бўлган, деб хулоса чиқаришга асос бера олади, деди Тур Хейердал. «Шу марказлар ўртасидаги алоқалар Колумб ўзининг тарихий сеёҳатини қилишидан анча аввал ҳам бўлганлигига аминман», — деди у. Тур Хейердал Норвегия фанлар академиясининг аъзоси сифатида яқин фурсатда дунёдаги ҳамма олимларга мурожаат этиб, Мохенжо-Даронн қутқариб қолиш, шунингдек у ерда Вирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳбарлигида интенсив археологик ишлар олиб бориш учун махсус фонд очишга даъват қилиш ниятида.

Қайиқнинг холати яхши, «Тигрис» типидаги қайиқларда Атлантика океанини бемалол кесиб ўтса бўлади дейиш мумкин, деди Тур Хейердал. У «Тигрис»нинг бундан кейинги маршрути тўғрисида берилган саволга жавоб қайтариб, ҳаммаси шу районда устун келувчи шамолларга боғлиқ бўлади, қамиш қайиқ Африка қирғоқлари сари йўл олса ҳам ажаб эмас, деди.

Совет врачи Юрий Сенкевич ўтказган медицинавий — психологик тадқиқотларнинг дастлабки натижалари турли миллат, сиёсий қараш ва диндаги кишилар мураккаб шароитларда бутун инсоният манфаатлари йўлида жуда яхши ҳамкорлик қила олишлари мумкин, деган фикрни яна бир карра тасдиқламоқда, деди пировардида Тур Хейердал.

В. ПИСАРЧИК.

МАРОКАШ ТУРИСТЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛМОҚДА

РАБОТ, 7 февраль. (ТАСС мухбири). Марокаш ҳақли равишда ривожланган туризм мамлакати ҳисобланади. Атлантика ва Ўрта денгиз соҳилининг юмшоқ, илиқ иқлими, қуёшли кунларнинг кўплиги, Рим истилочилари замонларидан ва илк Ислом давридан сақланиб қолган кўпдан-кўп тарихий ёдгорликлар туристларни жуда қизиқтиради.

Статистика маълумотларига қараганда, Марокашга ҳар йили Ўрта ҳисобда ўнлаб мамлакатлардан бир ярим миллионга яқин турист келиб кетмоқда.

Туризм Марокашнинг давлат хазинасига тушадиган валютанинг асосий манбаларидан биридир. «Ви экономик» газетасининг ёзишича, 1977 йилда чет эл туризмидан тушган даромад бир ярим миллиард дирхамга етай деб қолди, яъни 1976 йилдагидан 25 процент кўпайди.

Марокаш ҳукумати туризмни янада ривожлантириш мақсадида янги меҳмонхоналар, кемпинглар, туристик комплекслар қуришни кўзда тутмоқда, транспорт ишини яхшилашмоқда, шунингдек тарихий ёдгорликларни ва бошқа диққатга сазовор жойларни таъминлаш режаларини тузмоқда.

И. БЕРЕЗНИКОВСКИЙ.

КОММУНИСТЛАР САЙЛОВГА ТАЙЁРЛАНМОҚДАЛАР

КОПЕНГАГЕН, 8 февраль. (ТАСС). Март ойининг бошларида Данияда область ва коммунал бошқарув органларига сайлов бўлиб ўтади. Бу сайлов тўрт йилда бир марта ўтказилади. Дания коммунистик партиясининг меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган сиёсатини аҳолига тушунтириб бераётган коммунистлар сайловолди кампаниясида актив қатнаша бошладилар. Коммунистларнинг сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш давридаги вазифалари Дания Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида, партия конференцияларида, бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида муҳокама қилинди. Дания Компартиясининг марказий органи «Ланд ог фольк» газетаси сайловга бағишланган материалларни мунтазам равишда босиб чиқармоқда.

Бу йил коммунистлар мамлакатнинг 119 коммунасида ва 14 областида 1.111 номзод кўрсатдилар. Номзодлар сони аввалги сайловдагига нисбатан 50 процент ортди. Дания Компартияси Марказий Комитети ижроия комитетининг аъзоси П. Эмануэль «Ланд ог фольк» газетасида босилиб чиққан суҳбатида номзодлар сонининг кўпайганлиги партиянинг мустаҳкамланиб, унинг аҳоли ўртасидаги обрў-эътибори ўсиб бораётганлигини исбот этади, деди.

ТОВЛАМАЧИ БАНКИРЛАР

ЛОНДОН, 7 февраль. (ТАСС). Лондоннинг марказий жиноий суди — «Олд Бейли»да молия соҳасида ишлаб келган товламачиларнинг катта халқаро ташкилоти иши кўрила бошлади. Жиноятчиларнинг Лондондаги қароргоҳида сохта паспортлар, шахсий гувоҳномалар ҳамда 10 миллион фунт стерлинггача миқдорда банкдан катта қарз олиш учун ҳужжатлар ясаш режалари ишлаб чиқилар экан.

Ғарб мамлакатларининг катта банкларини алдаб, улардан миллион-миллион пул ўмариб келган 16 киши қора курсида ўтиришди. Оберландер деган кимса ташкилотда бош ролни ўйнаган. У қўлга тушган пайтда ёнидан турли кишилар номига ёзилган 20 дан ортиқ паспорт топилган.

Қораловчининг судда айтишича, товламачилик миқёси шу қадар кенгайиб кетганки, Ғарб дунёсининг бутун банк системасини таҳлика остида қолдирган. 1976 йил мартида полиция жиноятчиларнинг изига тушиб, ташкилотнинг 30 аъзосини бирданига қамоққа олганида уларнинг ёнида 9,5 миллион фунт стерлингга ёзилган қалбаки счёт чиққан эди.



ЧЕХОСЛОВАКИЯ Фанлар академиясининг астрономия институти обсерваторияси коллективи «Интеркосмос» йўлдошларини учиришга тайёрлаш, космик илмий ахборотни қайта ишлашда фаол қатнашади. Суратда инженер В. Новотний «Интеркосмос» йўлдошининг сигналини қабул қилмоқда.

ЧТК—ТАСС фотоси.

Монголия Халқ Республикаси пойтахтидаги тўқимачилик фабрикаси СССР ёрдамида энг замонавий дастгоҳлар билан тўла жиҳозланган. Суратда шу корхонанинг илғор ишчиси Д. Эйнтхайван.

ТАСС фотохроникаси.

КОМПОЗИТОР ВА ПЕДАГОГ

Соат саккиз ярим... Музика садоси дилларни сеҳрлайди. Куй таралаётган бу аудиторияда Тошкент Давлат педагогика институти доценти Пўлат Ҳошимович Холиқов талабаларга музикадан сабоқ бермоқда. Бу ердан ҳар куни оҳанглар жаранги тинмайди, тинган кезларда ҳам музика ҳақидаги суҳбат давом этади. Зотан, музика—санъат, инсон руҳий оламига таъсир этувчи катта куч эканлигини ёшларга тушунтирмоқ, уқтирмоқ зарур.

Холиқов ёшларни севади, музикачилар тайёрлашга жондили билан тиришади, «оҳанглар мўъжизасини эгаллашлари учун уларда ўз касбига битмас-туганмас қайноқ муҳаббат уйғотади. Талабаларни ўзига жалб этади. Уларга нисбатан ҳамиша меҳрибон, айни пайтда қаттиққўл мураббийдир. Шу боисдан уни ёшлар астойдил ҳурмат қилади.

Холиқов фақат педагоггина эмас, балки республикамизга танилган композитор ҳамдир. У ижодий фаолиятини ёшлар билан ишлаш ва педагоглик касби билан олиб боради. Шунинг учун бўлса керак, бастакорнинг кўпгина ижодий ишлари педагогикага қаратилгандир.

Бу устоз музика оламига ўзига хос йўл билан кириб келди. У ёшлигидан музикага қизиқди. Биринчи дарсни отасидан олди. Бастакорнинг ўзи бу ҳақда шундай эслайди: «Отамнинг ширали овози бор эди. Дутор чаларди. Меҳмонлар ёки дўстлари даврасида ўзбек халқ қўшиқларини, Ҳамза яратган қўшиқларни дутор жўрлигида берилиб ижро этарди. Алишер акам билан мен эса мафтун бўлиб тинглардик».

Мактабда ўқиб юрган кезлари бадиий ҳаваскорлик тўгарагида актив иштирок этади, най чалади, музика мактабида эса скрипка бўйича таълим олади. Бироқ, Москвадаги Қизил Армиянинг ҳарбий музика тайёрловчилари мактабига киргандан сўнггина ҳақиқий музика мутахассислиги бўйича таҳсил кўради. Худди мана шу пойтдан бошлаб Холиқовнинг музика фаолияти солдатлик билан, армия ҳаёти билан чамбарчас боғланиб кетади. Жанговар уруш йилларида у Совет Армиясининг ҳарбий билим юртларидаги, хилма-хил қисмлардаги ҳарбий оркестрларда хизмат қилади. Уша кезларда бастакорлик ижоди уни сеҳрлай бошлайди. Холиқов маршлар, чолғу асбоблари учун қўшиқлар, хор қўшиқлари, вальслар, увертюралар яратди. Бу музикалар ҳарбий хизмат ҳақида, солдатлик ҳаёти ҳақида эди. Серқирра ижодий фаолияти учун музикачи Совет Иттифоқи медаллари билан, ГДР, ТУРКВО ва Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг қатор фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

Барибир Холиқов билимга чанқоқ яшайди. Ўзи билганларидан қаноатланмайди. Музикани чуқур ва атрофлича ўрганиш мақсадида Тошкент консерваториясининг композиторлик факультетига ўқишга киради. Профессор Мушел классида сабоқ олади.

Консерваторияни тугатгандан кейин композиторнинг ижодий ишлари авж олади, янги-янги муваффақиятларга эришади. Айниқса, фортепиано музикали жанрига эътиборини кўпроқ жалб этади. У фортепиано учун пьесалар, сюиталар, голфоник асарлар яратади. Холиқов фортепиано жанрининг прелюдия, сонатина сингари мураккаб усулларида ҳам ўз кучини синаб кўради ва ютуқларни қўлга киритади.

Холиқов оммавий хор қўшиқларига тез-тез мурожаат этиб туради. Бу қўшиқларнинг қаҳрамонлари асосан комсомол ва ёшлар совет қўшиқларининг энг яхши намуналаридан таълим олиб, ўзбек халқ анъаналарини давом эттириб, яратилган бастакорнинг қўшиқлари тушунарли музика тилида ёзилган, тингловчилар томонидан енгил қабул қилинади.

1972 йил композитор СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ композиторларининг энг яхши оммавий қўшиқлари конкурсида қатнашиб, «Бизга бахтни берди Ленин» қўшиғи учун мукофотга ва конкурс лауреати деган номга сазовор бўлди. У яратган рақс музикалари, қўшиқ ва эстрада куйлари эстрада оркестрларининг репертуаридан тушмайди, радио орқали мунтазам эшитириб турилади.

Бастакорнинг музикалари — бу бизнинг бугунимиз ҳақидаги, совет кишиларининг ўй ва ҳаёллари ҳақидаги, ёшларимиз ҳақидаги ҳузурбахш оҳанглардаги илтифоқ ҳоҳлайди. Уларда оптимизм, ҳаётбахш куч жўш уриб туради, халқ куйлари булоғининг мусаффолиги товланади, мустаҳкам мутахассислик шабадаси эсади.

И. ФЕЛЬДМАН,
музикашунос.

УЧ МИНГ ОПЕРАЦИЯ

У МАКТУБНИ қўлига олдию, титраб кетди... Мактублар, мактублар!.. Ҳар куни қанчадан-қанча мактуб ёзилади. Оталар ўғлонларига, фарзандлар волидаларига, йигитлар биродарларига, қизлар қаллиқларига хатлар ёзишади. Бамисоли инсон ҳис-туйғуларининг тубсиз уммони бу оддий қоғозлар. Меҳр ва муҳаббат, насиҳат ва илтимос, фахр ва ҳайрат тўла сатрлар нималар ҳақида ҳикоя қилмайди, дейсиз.

Аммо ҳамон шундай мактублар ёзилмоқдаки, булардан қаҳрамон совет кишиларининг энг ёвуз душманга қарши кураштаги ажойиб жасорати, жангчиларимизнинг ақл бовар қилмайдиган фидойиликлари тўғрисида яна кўпгина нарсаларни билиб олиш мумкин.

Сочларига оқ оралаган, мулойим юзли, ёшлари анчага бориб қолган отахон набираси ҳозиргина келтирган конвертни ушлаб ўй суриб қолди. Хат унинг қондош дўсти, ўлим сўқмоқларида ака-ука тутинган жонажон синглисидан, Москва шаҳридан келган эди... Мактуб адреси — Москва шаҳри, Д—154. Карбишев бульвари, уй 19/5, 253-хона, А. И. Голодноводан дейилган сўзлар ҳам буни тасдиқлаб турарди... «Оббо, Ляля-ей, хўп ажойиб-да, бу қора қиз», деб ўйлади уй эгаси. У конвертни очди.

«Салом, ўртоқ капитан, — дейилган эди хатда, — ҳамма қуролдош дўстларингиздан ва шахсан ўзимдан сизга кўпдан-кўп саломлар. Яқинда мен муборак қўлларингиз билан ёзган матубингизни олдим. Уқиб жуда хурсанд бўлдим. Ўзингизнинг, оила аъзоларингизнинг сиҳат-саломатлигингизни билиб шодландим. Зотан, Сизнинг бундай бахтли турмушга тўм маънода юз фоиз ҳақлингиз бор. Чунки ўз ҳаётингизни хавф-хатарларга қўйиб қанчадан-қанча инсонларни сақлаб қолдингиз. Уларни мудҳиш ажал чангалидан юлиб олгансиз. Неча бор бунинг гувоҳи бўлганман.

У куни 31-армия ветеранлар советининг аъзоси Иван Игнатьевич Молдованов билан учрашиб қолдим. Иван Игнатьевичга Болтиқ денгизи соҳилидаги бир ўрмонда қилган операциянгиз ҳақида, бечора Мишанинг сизга йиғлаб туриб раҳматлар айтганини сўзлаб бердим. Ишонасизми, суҳбатдошимнинг кўзидан ёш тирқираб кетди. Сизнинг ўтмишингиз, таржимаи ҳолингиз билан қизиқди. Аммо, мен қуруқ мақтовдан нарига ўтолмадим...»

Хатнинг шу ерига келганда Босит ака бир зум ҳаёлга чўмди... Ҳа, Ляля кўп нарсаларни билмайди. Ўтмиш, таржимаи ҳол эмиш. Ўқ ёмғири, замбараклар қаҳқаҳаси, танклар гуркираши ичида ким ҳам таржимаи ҳолини гапириб ўтиради?! Ҳар куни ўнлаб, юзлаб жароҳатланган солдатларни олиб келишарди. Ҳолдан тойган, ўлим тўшагида ётган йигитлар... Орадан ўтиз уч йил ўтибди ҳамки, улар ҳамон киши кўзи ўнгидан кетмайди. Ҳамон улар тушга киради... Мўйлови эндигина сабза уриб келаётган суқсурдай ўғлонлар. Уларни ҳаётлари қил учида. У ёш йигитларнинг бир зумдан сўнг ёруг дунёдан кўз юмишларини тасаввур қилолмас эди. Уруш қурбонсиз бўлмайди. Гоҳида яралорни ҳарбий врач хонасига олиб киришлари билан унинг жони узиларди. Бундай кезларда жарроҳ ҳеч кимга билдирмай, унсиз йигларди. Бутун вужудини, бутун маҳоратини бир нуқтага йиғиб, қолганларни сақлаб қолишга қасд қиларди.

Кунларнинг бирида кеч пайти ёшгина лейтенантни келтиришди. Унинг аҳволи жуда-жуда оғир эди. Офицер кўкрагини снаряд юлиб кетибди. Уч қовурга йўқ. Кўп қон йўқотган. Ранг-рўй деворнинг ўзгинаси.

— Босит, — деди 251-ўқчи дивизиянинг медицина-санитария батальони взводининг бошлиғи Ковалёв, — бир урининг кўр. Уни фақат сен сақлаб қолишинг мумкин. Врач Васильев, ҳамшира Ляля Голоднова ва Вера Воробьёвалар ёрдам беришади. Операцияни сенга топшираман. Омад ёр бўлсин...!

— Эшитаман. Фақат сиздан илтимос, машиналарнинг ҳаммаси фараларини операция палатасига тўгриласинлар. Жинчироқ билан иш битмайди.

— Қандай бўларкин, душман қўзғуларига очилиб қоламиз-ку. Ҳа, майли, таваккал, бор, тайёргарлик кўр, ё остидан, ё устидан...

Операция беш соат давом этди. Жангчи ўпкасидан бир нечта осколькалар олинди. Жароҳатлар аваллаб тикилди. Ҳарбий врач уч кунгача унинг ёнидан жилмади.

Ниҳоят, лейтенант кўзини очди. «Мен тирикмами?» — унинг оғзидан чиққан биринчи сўзлар шу бўлди. Ҳамширалар севиниб унга бўлган воқеаларни гапириб беришди. Икки ҳафтадан сўнг уни госпиталга жўнатадиган кун ҳам етиб келди. Ана ўшанда у ўз ҳалоскоридан «Ўзингиз тўғрингизда гапириб беринг, мабодо ўлмай қолсам, урушдан кейин, албатта, сизни қидириб топаман, йўқ деманг, жуда-жуда илтимос қиламан, ўртоқ капитан» — деб қолди.

«Майли, шу бинлан хурсанд бўлса, бўлақолсин» — деб ўйлади ҳарбий врач ва Ўзбекистон пойтахти Тошкент деган шаҳарда туғилганини, деҳқон ўғли эканлиги, ғўдаклай етим қолганини, бобоси Лутфулла қўлида тарбияланганини, ўн йилликни битириб, тиббий техникумда, сўнг медицина институтида таҳсил олганини, уруш бошлангандан бўён жарроҳлик қилаётганини, аввало Приморск ўлкасидаги Ворошилов шаҳрида, танк қисмида медицина-санитария бўлинмаси бошлиғи лавозимида хизмат қилганлигини гапириб берди. Албатта, бу гапларни Ляля эшитмаган эди ўшанда.

Кўзлар яна сартларга қадалди.

«... Иван Игнатьевич ўшанда қизиқ бир ғояни ўртага ташлади. Уша лейтенантни билмасанми, деб қолди. Мен унга уни излаб-излаб топганимни, аммо эндигина ёзишмамиз бошланганда Томск шаҳрида уруш жароҳатидан вафот этганини айтдим. У жуда афсусланди. Мабодо, тирик бўлганда Мишани Томскдан, Бокитни Тошкентдан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги муносабати билан уюштирилаётган 31-армия ветеранлари учрашувига таклиф қилган бўлардик, деларда бўлган. Ўйлаб ўтиришга фурсат топилмаган. Қўша-қўша орденлар, медаллар олганда ҳам у бу ҳақда ўйламаган. Одамларни ўлимдан олиб қолдими, бас, унга энг катта мукофот шу бўлган. Узоқ Шарқ, Москва остоналарида. Болтиқ денгизи бўйларида унинг етти йил умри ўтди. Етти йилнинг ҳар бир куни, ҳар соати, ҳар дақиқаси энг эзгу мақсад — одамлар ҳаётини сақлаб қолиш учун сарф қилинди. Ҳарбий врачлик пости энг оғир, шу билан бирга энг муқаддас пост эди.

У хатни ўқишда давом этди:

«...Иван Игнатьевич ғалати одам. Ҳамма нарсанинг ичидан игнасигача билиб олмаса, жони жойига тушмайди. Урушдан кейин Бекободда Фарҳод ГЭСи қурилишида ишлаганинг борми, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудири бўлганингиз борми, ҳозир Тошкент область бирлашган касалхонасининг бош врачи эканлигингизга ҳаммасини суриштириб билиб олди. Дарвоқе, республикада хизмат кўрсатган врач, соғлиқни сақлаш аълочиси эканлигингизни ҳам айтдим... Ишхонангизда аҳвол қалай. Бир хатингизда янги қурилишлар билан банд эканлигингизни, корпуслар сонини оширишга етказганлигингизни, касбдошларингиз бўлмиш врачлар Аванесьянц, Савкова, Зокирхўжаев, Ширин-боевалар ҳақида ёзган эдингиз. Қалай, улар яхши ишлаб юришибдими! Уларни байрамимиз билан табриклаб қўйинг.

Иван Игнатьевич фурсат топсам бу йил ёзда Босит Кабировнинг олдига, Тошкентга олиб борасан, деб қўймаяпти. Узингиз, тиш доктори Карима келинойимиз ва фарзандларингиз билан яқиндан танишмоқчи...! Ҳозирча, хайр, омон бўлинг. Соғ-саломат дийдор кўришайлик, деб синглингиз Ляля».

...Биз ҳар куни битиладиган минглаб мактублардан атиги биттасининг мазмуни билан танишдик. Аминмизки, юқоридаги каби ёзишмалар шу кунларда жуда кўп. Чунки мамлакатимиз Совет Армиясининг 60 йиллиги байрамига қизғин тайёргарлик кўраётган экан, одамлар мактублар орқали янги-янги дўстлик ришталарини боғламоқдалар, кўпчилик эса бу хатлар орқали ажойиб ишлардан воқиф бўлмоқдалар. Эзгулик мактублари!.. Улар тинчлик кабутарлари каби парвоз қилаверсин!..

Р. УМАРОВ.

СОВЕТ АРМИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

МАОЧИЛАРНИНГ «СИНФИЙ МАНТИҚИ»

Фактларни сохталаштириш, уларнинг моҳиятини қўпол равишда бузиб кўрсатиш — Пекин пропагандасининг кундалик иши бўлиб қолди. Аммо маочилар ўзларининг халқ манфаатларига зид сиёсатини оқлаш учун марксизм назариясини рўкач қилиб, советларга қарши, социализмга қарши ҳаракатларини сохта революцион сафсаталар билан тўлдириб қилаётган тарғиботчилик найранглари айниқса сурбетликдан бошқа нарса эмас.

Яқинда армия газетаси «Цзефанцзюнь бао»да эълон қилинган ва Хитойнинг бошқа марказий газеталарида кўчириб босилган редакцион мақола шу жиҳатдан жуда характерлидир. Хитойни милитерлаштиришни кучайтиришга даъват қилувчи бу мақола «синфий кураш олиб бориш» зарурлигини пеш қилиб, шу сиёсатни асосламоқчи бўлади. «Армия,— дейилади мақолада,— мамлакат ичкарисидаги синфий курашда ҳам, халқаро майдондаги синфий курашда ҳам бош қуролдир...»

Бироқ маочилар кимга қарши ана шундай кураш олиб боришга чақирмоқдалар? Эҳтимол, улар ҳозирги Хитойда ҳамон роҳат-фароғатда яшаб турган буржуа унсурларга қарши ёки халқаро империалист кучларга қарши курашишга даъват қилаётгандир?

Мутлақо бундай эмас. Мақолада маълум бўлишича, Пекиннинг ҳозирги раҳбарлари армияни ўз сиёсий рақибларини — «тўртлар гуруҳи»ни ихлосмандларини туғатиш воситаси деб ўйлар экан, шу билан бирга Хитой меҳнаткашларининг маочилар сиёсатига қаршилигини зўравонлик билан бостириш қуроли, деб ҳам билмоқдалар.

Ташқи сиёсат соҳасидаги мақсадларга келганда Хитой раҳбарлари империалистларни ўзларининг синфий душмани деб асло ҳисобламаётганликларини ҳаммага маълум фактлар кўрсатиб турибди. Аксинча, улар империалистларни қуролланиш пойгасини кучайтиришга, Ғарбий Европадаги ва жануби-шарқий Осиёдаги, Африкадаги ва Яқин Шарқдаги позицияларни мустаҳкамлашга доимо чақирмоқдалар.

Ана шу ҳақиқатан ҳам ғаройиб «синфий мантиқ» тарафдори Хитой тарғиботчиларининг қалами билан агрессив НАТО блоки мўъжизали тарзда «тинчлик таянчи»га, Ғарбий Германия реакционерлари ва милитеристларининг раҳбари Штраус «прогрессив арбоб»га, Чили халқининг жаллоди Пиночет эса оз бўлмаса революционерга айланиб қолмоқда.

Ана шу «синфий ёндошиш»га асосланаётган маочилар Европадаги капиталистик мамлакатларни социализмга қарши «ягона фронт»га бирлашишга чақирмоқдалар, меҳнаткашларнинг улуғ Ленин ташкил этган дунёда биринчи давлати — Совет Иттифоқини эса «энг хавфли душман» деб атамоқдалар.

Маочилар ўзларининг жиноятқорона сиёсатини доимо сохта революцион сафсаталар билан ниқоблашга, ХХР раҳбарлари социализм ишига хиёнат қилганларини ҳам шу сафсаталар билан пардалашга, уларнинг жаҳон реакцияси орасидаги энг урушқоқ кучлар билан ҳамкорлигини шу сафсатабозлик билан пардалашга урунмоқдалар. Аммо бу найрангбозлик кимни лақиллата олади? Хитойларнинг ўзлари айтганларидек, «ҳеч қачон бўрини қўй деб, маргимушни эса қанд деб билиш ярамайди».

В. ГОНЧАРОВ,
ТАСС сиёсий обзорчиси.

АЛИШЕР НАВОИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 537 ЙИЛЛИГИГА

ШЕЪРИЯТИМИЗ БОБОКАЛОНИ

XV аср Ҳирот маданий муҳитида яратилган бадиий обиделар ва илмий асарларни кўздан кечирар эканмиз, уларнинг аксарияти Алишер Навоийнинг бевосита раҳбарлиги ва илму адаб аҳлининг ҳомийси сифатида кўҳна Шарқнинг барча вилоятларидан пойтахтга таҳсил учун келган қобилиятли ёшларни қаноти остига олиб, уларнинг камол топишига шароит яратар, моддий ва маънавий жиҳатдан мададкор бўларди; қуёш каби порлоқ саҳоватли қалби билан ўз атрофини ўраб олган ижодкор юлдузларни парвариш этарди. Жуда кўп истеъдодли шоирлар, тарихнавислар, санъаткорларга устозлик қилиб, камол топишига сабабчи бўларди. Унинг шогирдлари ўз асарларида бу буюк инсонни чексиз миннатдорлик билан эътироф этганлар. Мирхонд, Хондамир, Ҳилолий, Восифий, Беҳзод каби атоқли ижодкорлар бунга мисолдир. «Мажолисун нафоис»да зикр этилган уч юздан ортиқ замондош адибларнинг кўпи Навоий билан алоқада бўлган, унинг оташ нафасидан баҳраманд бўлган кишилардир. Навоий ҳар бир ижодкорнинг қобилияти, қизиқишига қараб муносабатда бўлар, уни ҳар жиҳатдан руҳлантирар, билими ва истеъдодини хор этмасдан халқ фойдасига сарфлашга даъват этиб турарди.

Улуғ Навоий ҳимматидан баҳра топиб, камолот касб этган зотлардан бири Атоулло Ҳусайнийдир. Атоулло асли нишопурлик бўлиб, Ҳиротда таҳсил кўради ва билимдонликда ном чиқариб Навоий назарига тушади. Олим «Ихлосия», «Султония» мадрасаларида адабиётшуносликдан дарс берган, Навоий мажлисларига қатнашиб, унинг яқин одамларидан бўлиб қолган. Навоий Атоулло Ҳусайнийнинг аҳволидан доим хабардор бўлиб турган ва унга моддий ёрдам ҳам берган. Хондамирнинг хабар беришига қараганда, Атоулло ўзи ишлаётган мадрасанинг ёнида жойлашган бир ҳовлини сотиб олмоқчи бўлади, лекин бир амалдор ҳовлининг нархини ошириб савдони бузади. Шунда Атоулло Навоийдан амалдорга таъсир ўтказиб, савдонинг битишига ёрдам беришини сўрайди. Навоий бу илтимос эвазига ҳалиги ҳовлидан кўра яхшироқ бир ҳовлини олимга бепул ҳадя этган.

«Мажолисун нафоис»да Навоий Атоулло Ҳусайнийни донишманд киши сифатида тилга олади, унинг «Бадоеъус саноеъ» асарини «бу фанда ҳаргиз бу каби китоб битилмаган» деб юқори баҳо беради. Атоулло бундан бошқа китоблар ҳам таълиф этгани маълум. Лекин у илми бадеъ фанининг катта донишманди сифатида машҳур бўлган. «Бадоеъус саноеъ» китоби бунга далилдир. Чуқур кузатишлар илмий-танқидий мулоҳазалар асосида яратилган бу асарда олдинги тадқиқотларга якун ясаш билан бирга талай янги санъатлар тўғрисида баҳс юритилади. Бу асар Навоийнинг бевосита ташвиқи ва маслаҳати билан ёзилган.

Атоулло ўз китобининг муқаддимасида буни алоҳида қайд этиб ўтади. Унинг ёзишича китобнинг айрим бобларини ёзилган, маълумотлар, мисоллар жамланган бўлса ҳам «давр нохушликлари», рўзгор ташвиши ва мадрасада дарс бериш билан банд бўлганлиги сабабли китобни битказишга ҳеч фурсат тополмас, аста-секин майлу иштиёқ ҳам сўниб борар, ёзилган варақлар эса «эътиборсизлик ғубори остида» қолиб кетганди. Бу орада бир кун «адолат мулкининг посбони» Навоий унинг ишига ташриф буюриб, ҳолидан хабар олади ва олимнинг руҳини кўтариб, унинг ишининг аҳамияти, зарурлигини таъкидлайди: «...бу арзимас зарраларни (варақларни) ўз таъсирбахш қўйшлари назарига мазур этиб, тупроқдан кўтардилар ва равшан ақл билан путф кўргузиб, бу варақларни йиғиш, тартибга келтиришни мукеррар этдилар ва бу бандага китобни ёзиб тугатишни амр қилдилар ва буни қатъий талаб деб таъйин этдилар».

Шундан сўнг Ҳусайний китобни тез орада ёзиб тугатади ва камоли эҳтиром билан ҳазрат Навоийга бағишлайди. Форс-тожик тилида яратилган «Бадоеъус саноеъ» бадиий санъатлар илмида энг мукаммал асарлардан бири бўлиб келмоқда. Муаллиф асарини Навоийга бағишлаб, унинг ҳақига шукрона билдиришдан ташқари ўз илмий кузатишларининг кўп жойларида Навоий асарларига суянади, улуғ шоирнинг тенгсиз маҳорати, иқтидорини кўрсатадиган мисоллар келтиради, Навоий ҳаёти билан боғлиқ бўлган ғоят қизиқарли маълумотларни қайд этади. Хуллас, Навоийнинг муборак номи Атоулло Ҳусайний китобининг барча саҳифаларида шарафланиб тилга олинган. Чунончи, у ҳусни таҳаллус санъати ҳақида фикр юритиб, ўзининг Навоийга бағишланган қасидасидан парча келтиради. Байтларнинг мазмунига қараганда Атоулло саргардон бўлиб, Тўрон ва Эрон шаҳарларини кезиб юрган. Чарх жафоси ҳаддан ошади, шунда ақл менга айтдики, «Ҳиротга боргин, султон ноиби, мулк омонлиги, адолат амри, яъни дониш ва эҳсон олами Низомиддин Алишерга мурожаат қил». Муаллиф бунда бадиий санъатга мисол келтириш воситаси билан Навоийга бўлган чексиз ҳурматини изҳор этишни лозим топган.

Атоулло Ҳусайний Навоий билан бир неча марта суҳбат қурган, унинг шеъриятдаги бемисл маҳоратининг шахсан гувоҳи бўлган ва шундай воқеаларнинг айримларини «Бадоеъус-саноеъ» китобига киритган. Масалан, мақбули мустави (сўзнинг ҳер икки томонидан ўқиганда ҳам бир хил маъно чиқиши) санъати хусусида ёзади: «Улуғ ишлар ижодкори ҳазрат Мир Алишердан содир бўлган бир воқеа ғаройиб отлардан биридир. Марҳум шаҳзода Мирзо Абубакр бир куни ул ҳазратга айтди: «Мақбули мустави санъатига мисол бўладиган сўз топдим. Ҳазрат сўрадилерки; «У қандай сўз экан?» Шаҳзода деди: «Ковак» (бўш) Навоий дарҳол дедилар: «Шобош» («офарин!»). Ёки Атоуллонинг ўзи бир санъатни кашф этганлигини ёзиб, буни ҳеч кимга айтмагандим, бу санъатга кўра шеър шундай тузилиши керакки, унинг мисрасини олиб, бошқасига қўшсалар, байт ҳосил бўлаверади ва маънога ҳам, қофияга ҳам путур етмайди. Бир куни ҳазрат ҳузуридаги ўтиришда Атоулло бу фикрини ўртага ташлайди. Шунда Навоий дарҳол қоғоз-қалам олиб, форс тилида шу санъатга тўла жавоб берадиган ажойиб рубоий ёзади. Ҳамма фузало аҳлини ҳайратга солган бу воқеа «улҳазрат фазилатлари уммонидан бир зарра» деб якунлайди Атоулло.

Навоийнинг машҳур форсий қасидаси (оташин лаъле, ки тожи ҳусравонро зевар аст деб бошланадиган) ҳамма унсурлари латиф, маъноси мақбул, тузилиши мукаммал, аммо ҳамма тушуна оладиган камолот даражасидаги асар деб таърифланади. Шу каби тарсель, тарофук, тарих, матбуъ, муболаға ва бошқа кўплаб санъатлар учун Навоийнинг форсий девонидан намуналар келтирилган. Шу билан бирга улуғ ўзбек шоирининг туркий тилда ёзилган асарлари ҳам бадиийликнинг олий талабларига жавоб беражагини у махсус уқтириб ўтади: «Саҳли мумтанеъ деб шуни айтадиларки, кўринишда ёзилиши жуда осон бўлиб туйилади, аммо амалда ундай шеър ёзиш жуда қийиндир. Хуршидсиймо устод Жомийнинг аскар ашъори ва ҳазрат Навоийнинг туркий ҳамда форсий абъёти бунинг мисолидир...»

Шуни ҳам айтиш керакки, Атоуллонинг китоби Навоийнинг адабий меросини тўлароқ тасаввур этиш учун ҳам яхши манбадир. Зеро, муаллиф келтирган Навоийга таалуқли анча шеърлар борки, улар «Девони Фоний»да йўқ ва бошқа нашрларда ҳам қайд этилмаган.

Атоулло Навоийнинг ёш ижодкорларга муносабатини ҳам кўрсатиб ўтган. Улуғ шоир кўпгина талантларга раҳнамолик қилгани ҳолда, айрим кеккейган, тақлидчи ёшларни кеттик қойир, бемаъни шеърларини таҳқид киларди. «Шундай танбеҳлар қанча кўп бўлса, шунча фойдали бўлгани» дейди Атоулло.

Атоулло Ҳусайнийнинг асари бизга бобокалон шоиримизнинг улуғ фазилатларини янада чуқурроқ ўрганиш, саҳоватли ва салоҳиятини яқиндан идрок этишга ёрдам берадиган тағин бир қимматли манбадир.

Нажмиддин КОМИЛОВ,
филология фанлари кандидати.

Д. М. МОЛЧАНОВ

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном, 1943 йилдан буён КПСС аъзоси Дмитрий Матвеевич Молчанов 1978 йил 8 февралда 72 ёшида вафот этди.

Д. Молчанов 1906 йилда Тамбов областининг Темяшово қишлоғида туғилди. У Андижон қишлоқ хўжалик техникумини тугатгач, 1929 йилдан бошлаб Андижон областининг Ленин райони колхоз союзида участка агрономи бўлиб иш бошлади.

Дмитрий Матвеевичнинг шундан кейинги бутун меҳнат фаолияти бевосита қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ. 1931 йилдан 1940 йилгача Андижон ва Фарғона областларининг машина-трактор станцияларида каттa агроном, 1940 йилнинг мартидан токи 1950 йилгача эса Андижон область қишлоқ хўжалик бошқармасида катта агроном ва қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи лавозимларида ишлади.

1951 йилдан бошлаб Д. Молчанов Узбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлигининг агроишлабчиқариш бошқармасига бошлиқ қилиб тайинланди. 1953 йилдан 1956 йилгача Тошкент область қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи, 1956 йилдан эса яна Узбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлигининг раҳбарлик лавозимларида ишлади.

1964 йили Д. М. Молчанов Узбекистон КП Тошкент область комитети қишлоқ хўжалик бўлими мудирининг ўринбосари қилиб тасдиқланди ва пенсиягача шу ишда ишлади. У республика аҳамиятидаги пенсионер бўлиши билан биргаликда область партия комитетининг штатсиз инструктори ҳам эди.

Д. М. Молчанов область активи ва қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари орасида катта эътибор қозонган, бир неча марта меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига депутат ва область ижроия комитетининг аъзоси қилиб сайланган эди.

Д. М. Молчанов уч марта Меҳнат Қизил байроқ ордени, Қизил юлдуз ва Ҳурмат белгиси орденлари билан тақдирланган.

Қадрли ўртоғимиз ва дўстимизнинг хотираси қалбимизда абадий сақланади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

ҚЎШИҚЛАРГА ҲАМОҲАНГ МИСРАЛАР

Адабиётимиз тарихида ғазал мулкининг султони бўлиб қолган Навоий шеърлари халқ қўшиқларига ҳамоҳангдир. Шоир бадиий ва илмий асарларида халқ қўшиқларига меҳр билан қарайди, уларни тўплайди, тадқиқ этади, ижодий илҳом олади ва бошқаларни ҳам қўшиқлардан таълим олишга даъват этади. Навоий замонида мусиқа, қуй билан айтиладиган ғазаллар «суруд» деб юритилган.

Шоир ўзининг кўп ғазалларини суруд, яъни ашула қилиб айтилишини назарда тутиб, бир ўринда «базмда танбур чалинсин, раққосалар арғуштак усулида ўйнасинлар, сен Навоий қўшиқ айт!» дейди:

Хуш улки базмда ойлар топарлар арғуштак,
Шаҳ анда танбура чалиб, Навоий деса қўшуқ.

Навоий аруз назариясига бағишланган «Мезон ул-авзон» асарида халқ ижодидан саккизта шеърий шаклни ёзма адабиётга олиб киради. Мутафаккир шоир «қўшиқ» ва унинг икки хили — «мадиди мусаммани солим» вазнида айтиладиган тури ва шу тур заминида пайдо бўлиб, кенг тарқалган «рамали мусаммани маҳзуф» вазнидаги хилини таърифлайди.

«Мадиди мусаммани солим» вазнидаги «қўшиқлар арғуштак (мусиқий бир куй) усулида ижро этилиб, кенг тарқалган ва мусиқа китобларида ҳам қайд этилган. Бу қўшиқ заминида пайдо бўлган «рамали мусаммани маҳзуф» вазнидаги қўшиқ ҳам жуда машҳур бўлган ва йирик адабий мажлисларда доимо айтилган.

Навоий рамал баҳрида айтилувчи «туркий» деб номланган халқ ашулалари ҳақида қуйидагича ёзади: «Яна суруددурким, «туркий» дебтурлар, бу лафз анга олам (байроқ) бўлубтур ва ул ғоятдин ташқари дилписанд ва рухафзо ва ниҳоятдин мутажовиз, айш аҳлига судманд ва мажолисоро суруддур, андоқки, салотин ани яхши айтур элни тарбиятлар қилибдурлар, «туркиғўйлик» лақаби бирла машҳурдур ва ул доғи «рамали мусаммани мақсур» вазнида воқеъдур». Навоий Ҳусайн Бойқаронинг барча ғазаллари «қўшиқ» деб аталган шеърий шаклнинг асосий вазни «рамали мусаммани маҳзуф» ва «туркий» деб аталган шеърий шаклнинг асосий вазни «рамали мусаммани мақсур»да ёзилганини алоҳида таъкидлайди.

Навоий «қўшиқ» ва «туркий» деб аталувчи шеър турлари ҳамда уларнинг вазнларига ғоят юқори баҳо беради. Бу бежиз эмас. «Қўшиқ» ва «туркий» ашулалар ўлчови «бармоқ» таъсирида вужудга келган. Айниқса рамалнинг мусаммани маҳзуф ва мақсур вазнлари ўзбек фольклорида қадимдан мавжуд эди. Рамал баҳрида туроқланиш хусусияти худди «бармоқ» вазнидаги туроқланишга ўхшаб кетади, мисралар ичидаги паузалар маълум қонуният билан такрорланиб туради. Ана шу туроқланиш ва паузаларнинг такрорланиши рамал баҳридаги шеърларда алоҳида таъсирчанлик, равонлик, мусиқийликни вужудга келтиради. Шунинг учун рамал вазнлари ўзбек ёзма адабиётидан мустаҳкам ўрин олди

Ўзбек адабиётида рамал баҳридаги илк шеърлар Навоийгача учраса-да, бироқ XIV—XV аср ўзбек шоирларининг девонларида асосий вазн бўлиб қолди. Чунончи, Атоийнинг 260 ғазалидан 109 таси, Гадоийнинг 230 ғазалидан 159 таси, Лутфийнинг 276 ғазалидан 200 га яқини. Ҳусайнийнинг 132 ғазалининг ҳаммаси рамал вазнида битилган. Бундан шундай хулосага келамизки, XIV—XV аср ўзбек шоирлари халқ шеъриятининг ўлчовига яқинлашувчи форма излаганлар. Бундай форма рамал баҳри бўлиб чиқди.

Рамалнинг Навоий ғазалиётидаги ўрнига келсак, бу вазн энг муҳим ўрин эгаллайди. Навоий лирик қуллиётининг ўлчовларини адабиётшунослик тарихида биринчи марта текшириб, «Навоий арузи» номли жуда қимматли илмий асарни ёзган шарқшунос Содиқ Мирзаевнинг аниқлашича, Навоийнинг тўрт девонига кирган 2600 ғазалдан 1644 таси рамал баҳрида ёзилган.

Демак, XV аср ўзбек шоирлари — Атоий, Лутфий, Гадоий, Ҳусайнийлар ўз ғазалларини халқ қўшиқлари йўлида яратдилар. Шеъриятимизнинг буюк даҳоси Алишер Навоий эса мазкур шоирларнинг ғазалларидаги қўшиқларга ҳамоҳанг усулларни янада ривожлантириб, юқори босқичга олиб чиқди. Навоийнинг бу хизматларини «Мезон ул-авзон»да« қўшиқ» ва «туркий» ҳақида айтган илмий-назарий фикрлари ҳамда «Ҳазойин ул-маоний»да қўшиқларга ҳамоҳанг ёзилган юзлаб ғазаллари тасдиқлайди. Шоир ғазалларининг беш аср давомида мусиқа билан куйланиши, навоийхонликларда тинимсиз ўқилиши, туркий халқлар орасида юзлаб, минглаб нусхаларда кўчирилиши Навоий шеъриятининг нечоғлиқ ҳаётийлигини, халқ қўшиқларига монандлигини исбот этиб туради.

Муҳаммаджон ҲАКИМОВ,
филология фанлари кандидати.

Рассом Уста Мўмин ўзининг кўпгина асарларини улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишлаган. Суратда: рассом Уста Мўминнинг «Навоийнинг Астрободда кутиб олиниши» расми.

НАВОИЙ

ИККИ ҒАЗАЛ

Санга иш жавлон қилиб майдонда чавгон ўйнамоқ,
Манга олдингда бошимни гўй этиб жон ўйнамоқ.
Бош овучлаб эгма қомат бирла қолмон рахшидин,
То тилар чобуксуворим кўнгли чавгон ўйнамоқ.
Кўз қаросин ўйнатур ҳар лаҳза ул мардумни кўр,
Ҳиндуийдекким эрур ойини қолқон ўйнамоқ.
Ўйнай-ўйнай айладинг куфр ила динимни бадал,
Оллоҳ-оллоҳ, бумудур, эй номусулмон, ўйнамоқ.
Жавр тошин ул пари ўйнаб отай дер эл сари,
Ваҳки, бу девонага етгач не имкон ўйнамоқ.
Ҳар сари ашким югурмоқ не ажабким, айб эмас,
Тийра уйдин чиққоч-ўқ ёшларга ҳарён ўйнамоқ.
Чарх ўюн бирла олур дин нақдин элдин, воқиф ўл,
Бу мушаъбид бирла бўлмас аҳли ирфон ўйнамоқ.
Ваъда кўп қилдинг Навоийга ва лекин ўйнабон,
Мунча бўлгай эл била, эй аҳди ёлғон, ўйнамоқ.

* * *

Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориғ, яшил,
Шўълан оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориғ, яшил.
Гулшан эттим ишқ саҳросин самуми оҳдин,
Ким эсар ул дашт аро ҳар ён қизил, сориғ, яшил.
Шишадек кўнглумдадур гулзори ҳуснинг ёдидин,
Тобдоннинг аксидек алвон қизил, сориғ, яшил.
Оразу холинг била хаттинг ҳаёлидин эрур
Кўзларимнинг олдида даврон қизил, сориғ, яшил.
Лаългун май тутқил олтун жом бирла сабзада,
Ким булардин яхши йўқ имкон қизил, сориғ, яшил.
Фақр аро беранглик душвор эрур беҳад, валек
Хирқада тикмак эрур осон қизил, сориғ, яшил.
Эй Навоий, олтуну, шингарфу зангор истама,
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориғ, яшил.

Спорт

ГАЗЕТА СОВРИНИ УЧУН

«Комсомолец Узбекистана» газетаси соврини учун дзю-до кураши бўйича навбатдаги бешинчи анъанавий турнир Олмалиқ шаҳрида ўтказилди. Мусобақада республикамизнинг энг кучли спортчилари қатори мамлакатимизнинг бир қатор шаҳарларидан келган дзю-дочилар ҳам қатнашдилар. Ереван, Фрунзе, Семипалатинск, Липецк шаҳарлари вакиллари эса тўла команда билан иштирок этишди. Ўзбекистон терма командаси сафида республикамизнинг 14 шаҳри вакиллари бўлганлиги қувонарлидир. Аввалги ҳеч бир мусобақаларда терма командамиз сафида шаҳарлар бунчалик кўп вакилларини тавсия этишмаган эди.

Стартга чиққан 240 қатнашчилар орасида Бутуниттифоқ ва халқаро мусобақаларнинг совриндорлари ҳам бор эди. Тренерлар келажаги порлоқ ёшларни катта эътибор билан кузатдилар. Республикага хизмат кўрсатган тренер Александр Истоминнинг шогирдлари совринли ўринларни эгаллабгина қолмай, маҳорат жиҳатидан етук спортчилардан қолишмасликларини кўрсатдилар.

Кескин курашлардан сўнг вазн тартибида қуйидагилар биринчи мукофотли ўринни эгаллаб, газета соврини билан тақдирландилар: В. Галкин («Меҳнат» Чирчиқ), С. Сафонов («Меҳнат» Тошкент), Е. Бабанов («Труд» Липецк), Ҳ. Даминов («Буревестник», Тошкент), З. Шуковани («Динамо» Тошкент), Н. Валитов («Меҳнат резервлари» Тошкент), С. Гогнадзе («Динамо» Тошкент). Мутлақ вазнда Тошкентнинг «Меҳнат» жамияти вакили В. Мордасов чемпион бўлди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Футбол мавсуми яқинлашмоқда. Командалар чемпионатга тараддудни кун сайин қизитмоқдалар. Бир қатор коллективлар чет элларда ўртоқлик учрашувларини ўтказиш билан бирга турнирда иштирок этади. Мамлакат чемпионлари Киев динамочилари эса Польшанинг «Арка» командаси билан Сочида халқаро учрашувни ўтказди. Украин футболчилари 2:1 ҳисобида ғолиб келишди. Душанбеда эса учинчи қишки турнир давом этмоқда. Бу ерда жами 11 команда иштирок этмоқда. Олий лига вакиллари, биринчи лига иштирокчилари ҳамда Будапештнинг «Волан» командаси қатнашаётган турнир мухлисларда катта қизиқиш туғдиряпти. Республикамиз вакили Термезнинг «Автомобилист» командаси «Уралмаш»га 1:3 ҳисобида ютказгач, «Помир»ни енгди. Ҳисоб 1:0. «Қайрат» командаси билан бўлган ўйинни эса 1:1 ҳисобида дуранг қилди.

ТАЖРИБА КАМЛИК ҚИЛДИ

Минск шаҳрида енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасида СССР биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Бунда Ўзбекистон спортчилари деярли яхши натижага эриша олмадилар. Фақат 800 метрга бўлган югуришда Н. Данилова 2.09,3 секунд натижа билан биринчи бўлди. Яна бир вакилимиз Е. Чемина 400 метрга югуришда кучли олтиликка кирди. Усмирлар ўртасида узунликка сакрашда 7 метр 22 сантиметр натижа кўрсатган В. Рубан совриндорлар қаторидан ўрин олди. Қолган вакилларимизнинг эришган натижаси қувонарли бўлмади.

ИККИНЧИСИДА МАҒЛУБИЯТ

Пермнинг «Молот» командаси билан бўлган биринчи ўйинда 3:0 ҳисобида ғолиб келган тошкентликлар иккинчи ўйинни ҳам ҳужум билан бошлашди. Биринчи бўлимда 1:0 ҳисобида ютиб турган «Бинокор» кейинчалик ташаббусни бериб қўйди ва ўйинни 2:5 ҳисобида бой берди.

БИЛДИРИШ

«Тошкент ҳақиқати» редакцияси ҳузуридаги ишчи-мухбирлар университетнинг навбатдаги машғулоти 10 февраль куни кеч соат 6.00 да ўтказилади.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

«БУГЛИОН» МЕДАЛИНИНГ ЭГАЛАРИ
(ПАРИЖ, ФРАНЦИЯ)
СТАНИСЛАВ ШЧУКИН ВА ВАЛЕРИЙ СЕРЕБРЯКОВЛАР

ПРОГРАММАДА: ўргатилган итлар, отлар ва маймунларнинг чиқишлари.

Томошалар соат 19.30да; шанба кунлари соат 12.30, 16.00, 19.30 да; якшанба кунлари соат 11.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

КАССА СОАТ 10.00 дан 20.00 гача ИШЛАЙДИ.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда.

СПРАВКАЛАР ОЛИШ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 44-35-91, 44-35-84.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Горичилар қаердасиз?». 10.25 — «Қора нон» (бадиий фильм, 2-серия). 12.10 — Концерт. 12.40 — Қишлоқ ишлар ва муаммолар. 15.00 — Идмий-оммабоп фильмлар. 15.50 — «Бир парча шўрхок ер». 16.45 — «Алькоголизм ва уни даволаш». 17.15 — Рус тили. 17.45 — «Ордёнок». 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 18.55 — «Миллионлар ленинча университети». 19.25 — Концерт. 19.50 — «Қора нон» (бадиий фильм, 3-серия). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Концерт. 22.45 — Ҳужжатли фильм. 23.15 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — «Звездочка». 12.25 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 12.55 — «Сарсонлик саргардонликда» (бадиий фильм, 2-серия). 18.00 — Ўзбекистон Ленин комсомолининг XXI съезди олдидан. 18.30 — Иқтисодий билимлар — оммага. 18.55 — Чорвачилик — тажриба ва муаммолар. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Назм ва наво». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — «Сарсонлик саргардонликда» (бадиий фильм, 3-серия).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Физика. 20.00 — Эстетика. 20.40 — Реклама. 20.50 — Янгиликлар. 21.10 — Ўқитувчилар учун консультация. 21.40 — Назарий механика.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9|II да **Князь Игорь**, 10|II да **Бир актли балетлар.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9|II да **Олтин девор**, 10|II да **Қиёмат қарз** (билетлар сотилган).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9|II да **Олифта** (17.00), 10|II да **Она қизим** (19.30).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **таниқли масхарабозлар Станислав Шчукин ва Валерий Серебряковлар иштироида янги программа** (19.30).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Қуролланган ва жуда хавфли** (катта зал), **Севги синови** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Қуролланган ва жуда хавфли — «МОСКВА» (10, 12, 14, 16, 18, 20.00), «НУКУС» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45), «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Синдбоднинг еттинчи саёҳати — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Эй, бахтиёр инсон — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (12, 16, 20.00).

«УЗБЕККОНЦЕРТ»

ОКРУГ ОФИЦЕРЛАР УЙИДА
10,11,12 ФЕВРАЛЬ СОАТ 20.00да
ТАТАРИСТОН ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ
КОНЦЕРТЛАРИ ҚАТНАШАДИЛАР:
ТАТАРИСТОН АССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ
ГАБДУЛЛА РАҲИМҚУЛОВ
Солистлар: Х. ТЕМИРГАЛИЕВА, Р. ХАЛИУЛИНА, Р. САЛЯКОВ,
«ДЎСТЛИК» ИНСТРУМЕНТАЛ АНСАМБЛИ.
Билетлар соат 14.00 дан сотилмоқда.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг коллективи область партия комитети қишлоқ хўжалик бўлими мудирининг собиқ ўринбосари, республика миқёсидаги пенсионер **Дмитрий Матвеевич МОЛЧАНОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 70000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 | Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; Масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894

Р—00182. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д—2340.